2014 йил 22 апрел куни туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда Сурхондарё вилоят ҳокими ўринбосарининг 2014 йил 7 апрелдаги 01-49/533-сонли хатида илова қилинган Эрта никоҳларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан 06-6/13-сонли йиғилиш баёни муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар

Дастурининг 57-банди ижроси юзасидан туманда "Эрта никохларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби, Эрта никохларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар режаси, ишчи гуруҳлари томонидан такдим этиладиган хисобот шакли тасдиқланиб ижро учун барча мутасадди ташкилотларга етказилган. Туманда таълим муассасаларидаги "Ораста қизлар" тўғараги салоҳиятидан фойдаланиб ўқувчи билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиш, эрта никохларни олдини олиш чораларини куриш мақсадида таълим муассасаларидаги "Оила-махалла-таълим муассасалари ҳамкорлиги" жамоат кенгаши томонидан ўқувчилар орасида суҳбатлар ташкил этилмоқда. 2015 йил 4 феврал куни "Гултепа" маҳалла фуқаролар йиғинида, 21 апрел куни "Жозиба" маҳалла фуқаролар йиғинида, 10 июн куни "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида, 12 август куни "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинида ва 17 сентябр куни Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида йиғилишлар ўтказилди.

Бу тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Дагарова, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими бош маслаҳатчиси Г.Қобилова, "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши раиси С.Қудратов ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирок этишдилар. Туманда диний идора вакиллари билан ҳамкорликда расмий ва норасмий муллалар орасида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун конун хужжатлари билан маъмурий ва жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида 2015 йил 26 февралда Агросаноат касб-хунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги "Ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликни олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 130-сонли қарорининг мазмун-моҳияти тўғрисида "Ислом дини нима" мавзусида,

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 17 март куни 29-26- умумтаълим мактабларида "Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш", "Диний ақидапарастликнинг олдини олиш ва хизбут-тахрир экстремистик оқимга қарши кураш" мавзуларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда суҳбатлари ўтказилди. 22 июл куни "Оқжар" ҚФЙга қарашли "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 67-умумий ўрта таълим мактабида Миллий хавфсизлик хизмати бўлими, "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, туман

масжиди бош имом хатиби билан биргаликда “Диний ақидапарастлик ва миссионерликка қарши курашиш чора-тадбирлари” ҳамда “Эрта турмушнинг олдини олиш” мавзуларида йиғилиш ўтказилди. Йиғилиш сўнггида “Огоҳлик масъулияти” номли видео фильм намойиш этилди.

Туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими, “Камолот” ЁИХ туман Кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 24 йиллиги байрами муносабати билан 28 август куни 9222-ҳарбий қисмда “Мустақиллик – олий неъмат”, “Ўтмишсиз келажак йўқ”, “Тарихга назар”, “Ватан ўз фидоийларини унутмайди” мавзусида давра суҳбати ва концерт дастури ўтказилди. Туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Туманда раҳбар лавозимлар учун худудлардаги етакчилик, раҳбарлик салоҳиятига эга бўлган хотин-қизлардан иборат кадрлар захирасини тайёрлаш мақсадида тумандаги барча ташкилот ва уқув муассасалардаги фаол хотин-қизлардан иборат «Раҳбар аёллар» клуби тузилган. Ушбу клубда тадбиркор ва фермер, санъат маданият, адабиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги раҳбар аёллар жалб этилган.

Туманда хотин-қизлар кўмитаси томонидан раҳбар аёлларнинг функционал вазифаларини аниқ ўрганиш, дунёқарашини кенгайтириш ва билимларни ошириш борасида доимий ўқув семинарлари ўтказилиб келинмоқда.

Туман ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси, ДИК аъзолари, ҚФЙ раислари иштирокида тумандаги 60 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар суҳбатдан ўтказилиб, ҳар бирига 3-нафардан захира кадрларнинг хужжатлари тайёрланган. Туман Хотин-қизлар кўмитаси томонидан диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг иш фаолиятлари самарадорлигини ошириш борасида доимий мониторинги олиб борилди. Қумқўрғон туманида 2015 йилда касб-хунар коллежини битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш юзасидан туман ҳокими томонидан тасдиқланган мутасадди ташкилот раҳбарларидан иборат штаб таркиби тузилган.

Туман ҳокими томонидан тасдиқланган штаб таркибида туман ҳокимининг ўринбосари З.Дагарова, "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Б.Менглибоев, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси



Т.Ўрозов, "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши раиси ўринбосари С.Қудратов, бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Ш.Қурбонов, тумандаги барча касб-хунар коллежлари директорлари ва туман тижорат банк раҳбарларидан иборат.

2015 йил 13 май куни 11- сонли мусиқа ва санъат мактабида Тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларни ташкил этиш, касб-хунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматидан фойдаланиши ҳақида “Инсон манфаатлари – олий қадрият” мавзусида семинар ўтказилди.

Тумандаги касб-хунар коллежи ётоқхоналарида истиқомат қилаётган ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ишлари олиб борилмоқда.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2015 йил давомида жами ўтказилган текширувлар (рейдлар) сони. 22 тани ташкил этади. Жами тадбирларга 7 нафар ходимлар жалб этилиб, шундан 1 нафари туман комиссия маъсул котиби, маънавият тарғибот маркази раҳбари, 3 нафари ички ишлар бўлими ходимлари, 1 нафари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ташкил этади. Маҳалалалар ҳамда меҳнат жамоаларида эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, уларни инсон соғлигига зарари тўғрисида доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, 16 апрел куни Сайхон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида “Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида ва эрта туғруқ” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Касб-хунар коллежининг давомати мониторинг қилинди. 18 сентябр куни Қорсақли хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида йиғилиш ўтказилди. Ўқитувчи ва ўқувчиларга ИШИД видеофилми намойиш этилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида тумандаги 11 та касб-хунар коллежларида 2014-2015 ўқув йилида 3890 нафар ўқувчилар битирди. Бугунги кунда касб-хунар коллежлари томонидан битирувчиларнинг амалиётини ўташ ва кейинчалик ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома тузиш ишлари 3866 нафар битирувчига тузилган бўлиб, туман бўйича 99,1 фоизни ташкил этмоқда.

Тумандаги касб-хунар коллежларида ёшлар ўртасида “Одобнома” ўқув курслари доирасида одам савдоси жинойтлари ва унинг аянчли оқибатларининг одини олишга қаратилган даср машғулотлари тегишли мутахассислар иштирокида юқори савияда ўтказиб борилмоқда. 2015 йилнинг 12 ойи давомида 10 та касб-хунар коллежларида одам савдосига қарши курашиш, чет элларга иш излаб кетиб, одам савдосининг чангалига тушиб қолган фуқаролар тақдири юзасидан тайёрланган видеofilmlar намоёйиши орқали мулоқотлар ташкил этилди.

## **II. Боб. Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишидаги натижалар ва унинг самараси**

### **2.1. Баркамол авлодни тарбиялашда маданий тараққиётнинг аҳамияти**

Республикамизнинг мустақилликка эришуви халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар ва янгилинишлар жараёнига кенг йўл очди. Ўтган йигирма олти йиллик тараққиёт мобайнида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар ўзининг пухта ўйланганлиги ва ҳаётийлиги билан муҳим сифат ўзгаришларга пойдевор бўлди. Ушбу ислохотлар ҳаётимиз барча жабҳаларини комплекс тарзда ислоҳ қилди. Турмуш тарзини, дунёқарашни ўзгартирди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида маънавий баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари: газета, журнал, радио ва телевидение муҳим омил ҳисобланиб, дастлаб туманда 1936 йил 19 октябрда «Янги ҳаёт» газетасининг биринчи сони чоп этилди. Газетани ташкил этиш ва чоп қилиш, уни омма орасига тарқатиш ишларига биринчи раҳбар Ҳалим Боқиевнинг хизмати алоҳида каттадир. Туманда 1936 йил ноябрь ойида Т Нишонов раҳбар этиб тайинланган туман босмаҳонаси иш бошлаб, матбуот учун зарур хизматларни бажариб, газета саҳифаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, мактаб-маориф ва бошқа мавзулардаги ижобий ва танқидий мақолалар эълон қилинди.

Туман газетасида иккинчи жаҳон урушидаги жасорат, фронт орқасидаги машаққатли аммо шарафли меҳнат кенг ёритилди. 1930-йилларнинг охирида таҳририятда техник котиб Туроб Бобоназаров, Эшмирза Тўрақулов, Аҳмад Исмоилов, Норқобил Шукуров ва бошқа ходимлар газетани нашр қилиш ва турли мавзуларда мақоллар баён қилишда фидойлик кўрсатдилар. Туман

газетаси саҳифаларида меҳнаткаш деҳқонлар ва чорвадорлар ҳамда халқ таълими, ижтимоий турмуш тарзи билан боғлиқ материаллар мантазам бериб борилди. Газетани чоп этиш ва уни маънавий қудратини оширишда таниқли журналистлардан 1938 - 1950 йилларда Нормурод Эргашев, 1952 - 1953 йилларда Бозор Меликов, 1953 - 1961 йилларда Тошкул Элмуродов, 1962 йилда Саидмурод Жўрақулов «Янги ҳаёт» газетаси муҳаррири бўлган, 1963 йил 1 апрелидан эътиборан «Коммунизм ғалабаси» газетасига Мустон Хўжақулов, 1964 - 2003 йилларда Туроб Эшбоев каби муҳаррирларнинг хизмати ниҳоятда каттадир.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида XX асрнинг 60-90-йилларида туман газетасининг ғоявий-сиёсий савияси, журналистларнинг ижодий изланишлари ва маҳорати тобора ошди. Тахририятда Бозор Меликов, Тўхтамурод Қурбонов, Иброҳим Эрдонаев, Мамат Бобомуродов, Раҳматулла Абдурахмонов, Нуриддин Қорақулов, Парда Алимардонов, Эшмирза Муҳаммадиев, Чапай Ҳусанов, Очилди Хонназаров, Асқар Хўжамуродов, Жўра Қодиров, Шоди Норқобилов, Маматкарим Тангиров, Холмўмин Тўхтаев, олий маълумотли журналист Шаҳар Элмуродова, Хосият Аҳмадқулова, Турсун Қўшоқов, Нурмамат Тошбоев, Аҳмад Ҳамроев, Бозор Муҳаммадиев ва Нодира Мирзааҳмедова самарали ижод қилди. Шу даврда бўлажак шоир ва ёзувчилардан Абрай Хамзаев, Худойберди Эшонқулов, Кўчкор Норқобилов, Гуландом Тоғаева сингари 20 нафардан кўпроқ жамоатчи муҳбирга журналистика факультетига кириб ўқиш учун йўлланма берилди.

Туманлар йириклаштирилганлиги туфайли «Коммунизм ғалабаси» газетаси ҳозирги Денов туманидаги узоқ Сина қишлоғидан то Жарқўрғон туманидаги Оқтепа сув омборига қадар бўлган катта ҳудуддаги аҳолига хизмат қиларди. Туман газетаси ҳафтасига 3 марта чиқарилиб, унинг ҳар бир сони 9-10 минг нусхада тарқатилди. 1950-70-йилларида туман босмахонасида Зокир Азизов, Асқар Хўжамуродов ва Хосила Бобохонова директор бўлиб ишлади. Туман партия кўмитасининг биринчи котиби, Меҳнат Қаҳрамони Чори Алматов маслаҳати ҳамда муҳаррир Туроб Эшбоевнинг астойдил саъй-ҳаракати билан 1977 йилда икки қаватли босмахона биноси фойдаланишга топширилди. Туман босмахонаси учун жами 234 минг сўм, жумладан, қурилиш-монтаж ишлари учун 189 минг сўм маблағ сарфланган. Бу ерда Шўрчи, Қумқўрғон ва Олтинсой тумани газеталари ҳамда турли буюртмалар замонавий офсет машинасида чоп этилиб, журналист Қарши Тошпўлатов 23 йил мобайнида босмахонага раҳбарлик қилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 1987 йил май ойида Шўрчи туман газетасининг 50 йиллик юбилеи кенг нишонланиб, туман газетаси ва муҳаррир Туроб Эшбоев Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. 1992 йилдан бошлаб, «Коммунизм ғалабаси» газетасининг номи яна «Янги ҳаёт», сўнгра «Шўрчи ҳаёти» деб ўзгартирилди. 2003 йил март ойидан буён журналист Нурмамат Тошбоев туман газетаси муҳаррири бўлиб, газета ҳафтасига 2000 нусхада чиқарилиб, «Шўрчи ҳаёти» газетасининг полиграфик сифати яхшиланди.

Ватан, она –ер тупроғини ижод қаламига наср қилиб олган Шўрчи зиёлилари халқимиз орзу умидларни эртанги ҳаётга бўлган ишончиларини ҳурмат эҳтиром билан баён этиб турли мавзуларда асарлар яратмоқдалар. Туман ижодкорлари мустақиллик йилларида фарзандлар тарбиясига муносиб ҳисса қушадиган асарлар яратиб, унда мардлик, жасурлик, ватанпарварлик намуналарини тарғиб қилиб меҳнатни қадрловчи асарлари билан танилмоқда. Халқ оғзаки ижоди Шўрчи туманида кенг тарқалиб уни тарихи бир неча минг йиллик даврни ўз ичига олади. Айниқса бахшчилик саънатини йирик вакил танқли ижодкор Холиёр бахши Абдукаримов (1897-1938) Бойсун туманининг Паданг қишлоғи яқинидаги Олчабулоқ қишлоғида туғулиб ёшлигидан думбира торларини кўй-қушиққа боғлаб, гудакликда отадан жудо бўлган ижодкор ҳаётга ишонч ва меҳр билан қараб, 13 ёшда кўшиқ айта бошлади. У Бойсун-Боботоғ бўйларида, адир ва қирларда мулла Улуғбойни кўйларини боқиб, 18-20 ёшларда зўр бахши сифатида элга танилди.

Холиёр бахши Гўрўғли ва Алпомиш туркумидаги достонларни дилдан кўйлаб, давраларда халқ олқишини олиб ватан, уни муқаддас тупроғини босқинчилардан озод қилиш, мард ва жасур бўлишга ёшларни чорлаган улуғ бахшидир. Бахши 1920-йилларда «Амир қочди» достонини ёзиб, достон 1929 йилда фольклоршунос Ҳоди Зариф томонидан китобга кучирилиб, уни номи кейинчалик «Гулдаста» тўпламида эълон қилинди. Холиёр бахши ўз достонларида адолат, мардлик муҳаббат ва эзгуликни мадҳ этди, янги термалар яратди. У кўлида қурол билан босқинчи қизил аскарларга гоҳ ошқора, гоҳида пинҳона курашди ва «тўқсабо» номини олди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида Холиёр бахши XX асрнинг 30-йилларида Шўрчи туманидаги Элбаёнсойда яшаб, тўй-томошаларда кўпкари чопди, кўшиқ айтди. У 1937 йил 29 октябрида Култепа қишлоғида «совет давлатини қуролли куч билан ағдариб ташлаш ниятидаги яширин аксилинқилобий

ташкилотга аъзо бўлган» деган сохта айблов билан қамоққа олиниб, машъум учлик ҳайъати ҳукмига биноан Тошкент шаҳрида отиб ўлдирилган. Қатағон қурбони Холиёр бахши 1989 йилда хатти-ҳаракатида жинойт таркиби бўлмаганлиги сабабли оқланди.

Савртепалик бахши Эшқобил Қўшоқов 1918 йилда таваллуд топиб, 1930-йилларда «Ёруғлик» жамоа хўжалиги аъзоси, тракторчи бўлиб ишлади. Холиёр бахши ёш Эшқобилга дўмбира чертишни, дoston ва термалар айтиш сирларини ўргатиб, оқ фотиҳа берди. Э Қўшоқов иккинчи жаҳон уруши чоғида Жонзарб деган қозоқ бахшиси билан элидан почта орқали олган хатдаги сўзларни дўмбира жўрлигида қўшиқ айтиб, жангчиларнинг кўнглини кўтарди. Эшқобил бахши фронтдан қайтгач, жиянлари Тожи ва Чўтбой Менглиевдан дўмбира чертишни мукамал ўрганиб, жамоа хўжалигида кўп йиллар механик ва боғбон бўлди. У «Алпомиш», «Бобо Равшан», «Равшан ва Зулхумор», «Ойсанам ва Офтоб» сингари анъанавий дostonлар билан бирга замонавий дostonлар, қўшиқлар ва ҳазил термалар ижод этди. Бобо шоир дostonлари ва қўшиқларининг жуда оз қисми қоғозга, аудио ва видеомагнитофон тасмасига ёзиб олинган.

Олатемирлик Сафар овчининг ўғли Алмурад бахши туғма истеъдод соҳиби, чечан сўз нотик бўлиб, у кадрдон дўмбирасини сайратган, дилларни яйратган давраларда шўх кулги, ҳазил-мутойиба ҳукм суларди. Ҳажвий термалари одамларга кўтаринки кайфият бағишларди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин республика маориф вазирлиги ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган бахшилар беллашуви 3 кун давом этди. Иккинчи кун Алмурад бахшига навбат берилди, у дўмбирасини кўтариб залдан сахнага чиқаётган чоғида томошабинларга ўзини қуйидаги терма билан таништирди:

Тоғларда битар арча,

Арчага битар ширча.

Манзил жойим — Деновдан

Айрилиб чиққан Шўрча.

Алмурад дер отимни,

Эгар эди этимни.

Чиройли бола эдим,

Чечак бузди бетимни.

Сахнада Алмурад бахши дўмбира чертиб, турли дон, сабзавот ва полиз экинлари тилидан тўқилган термаларни айта бошлади. Алмурад бахши тўй-сайилларда, Ҳазорбоғ, Қоратоғ ва бошқа каналлар қурилишида «Гўза ва Саломалик» деган ҳажвий асарини, кувноқ қўшиқ ҳамда ҳазил термаларини айтиб, халқ қалбига завқ-шавқ бахш этди.

Журналист ва шоир Бозор Меликов 1922 йилда Сариосиё туманидаги Дашнобод қишлоғида туғилиб, ота-онаси вафот этгач, болалар уйида тарбияланди. У Термиз шаҳридаги педагогика билим юртини тамомлади ва «Қизил чегарачи» каби вилоят газеталарида ишлади. Б.Меликов Волга ва Дон дарёси бўйларида танкчи сифатида жанг қилди ва оғир ярадор бўлиб, госпиталда даволанди, жанговар орден-медаллар билан тақдирланди. У «Илғор Сурхон учун» вилоят газетаси муҳбири, Ангор ва Шўрчи туман газетаси муҳаррири, таҳририятдаги кишлоқ хўжалик бўлими мудир, 1968 - 1982 йилларда маҳаллий радио эшиттириш ташкилотчиси сифатида хизмат қилди. Журналист Б.Меликовнинг 1950-60-йилларда вилоят мусикали театри тўғрисидаги танқидий мақоласи, «Муштум»да босилган «Шўрчидаги шўрлар» интермедияси анча гап-сўзга сабаб бўлган эди. 1998 - 2002 йилларда шоир Бозор Меликовнинг «Сурхон гуллари» ва «Умр баҳори» деган шеърый тўпламлари нашр этилди.

Шоир Туроб Эшбоев 1932 йилда Шўрчи туманидаги Форма кўрғон (Ёруғлик) қишлоғида ўрта ҳол деҳқон оиласида туғилиб, отаси Эшбой амин Муҳаммадиев ферма мудир, бригада бошлиғи бўлиб ишлаган, 1938 йилда катагон қурбони бўлиб, 1989 йилда оқланган. Онаси Ўғлон Муҳаммадёрва жамоа хўжалигида ишлаган, Т.Эшбоев 1930-40-йиллардаги етимлик ва муҳтожликка қарамай, 5-ўрта мактабда кунт билан ўқиди. У 1945 йилда жамоа хўжалигида меҳнат қила бошлади, 1952 йилда 1-ўрта мактабни, 1956 йилда Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Т.Эшбоев 1956 - 1964 йилларда 1-ўрта мактабнинг юқори синфларида ёшларга ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ берди ва сўнгги 3 йилда директор ўринбосари бўлиб ишлади. У 1964 йилдан то 2003 йилга қадар «Шўрчи ҳаёти» туман газетаси муҳаррири лавозимида астойдил хизмат қилиб, меҳнати муносиб кадиланиб, орден-медаллар, Республика Олий Кенгаши Раёсати Фахрий ёрлиғи «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йиллиги» эсдалик нишони билан мукофотланди. Туроб Эшбоев ижодкор шоир ва таниқли ёзувчи бўлиб, шеърларининг тили содда ва равон, мазмуни жиҳатидан чуқур фалсафий

мушоҳадаларга йўғрилган бўлиб, унинг асарлари мухлислар томонидан доимо илиқ кутиб олинган.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида истиқлол йилларида шоирнинг ижоди, айниқса баракали бўлиб, 1995 - 2006 йилларда «Боботоғ бургути», «Бешик ҳақида кўшиқ», «Холиёр бахши», «Диёнат дарахти», «Чинорлар ва ниҳоллар», «Қафас ва парвоз», «Давлат газар», «Исомиддин ҳангомалари», «Сурхон ва инсон», «Хуррам полвон» ҳамда «Қалб ҳамиша меҳрга ташна» китоблари нашр этилди. Адиб Туроб Эшбоев 2000 - 2005 йилларда «Мухаррир маҳорати», «Исомиддин ҳангомалари», «Хуррам полвон» воқеий-ҳужжатли кассаси, «Боботоғ булоқлари» достони ҳамда «Шўрчи шухрати ва инсон кудрати» тарихий-бадий асарларини яратди.

Жасур журналист Мамат Бобомуродов (1938 - 2000) мактабда ўқитувчи, 1963 - 1975 йилларда туман газетасида маданият ва мактаб-маориф бўлими мудир, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. У долзарб мавзуларни дадиллик билан ёритди, меҳнат ва уруш фахрийлари ҳақида очерклар ёзди, одоб-ахлоқ юзасидан танқидий мулоҳазаларини изҳор этди. Шоир Мамат Бобомуродов ногиронлиги туфайли аламини Қаламдан олди, у юзлаб шеър-ғазаллар, «Табиб чол ҳақида», «Варзиншоҳ ва Даллиой» каби ўндан ортиқ дoston ва балладалар яратди.

Шоир Хўшбоқ Раҳим 1940 йилда Шўрчи туманидаги Айригаза қишлоғида туғилди, беғубор болалиги Боботоғ этакларидаги қир-адирларда ўтди. У ўрта мактабни тамомлагач, Бухоро Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетида тахсил олди. Хўшбоқ Раҳимов Ёждувон ва Шўрчи тумани мактабларида ўқитувчилик қилди. Фалсафа фанлари номзоди Х.Раҳимов салкам 30 йил мобайнида Тошкент архитектура-қурилиш институтида доцент бўлиб ишлади. Х.Раҳим адабий анжуманларда қатнашди, ўнлаб шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Шўрчи ҳаёти» газетасида, «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинди. Шоир асарларида Боботоғ, Сурхон воҳасининг гўзал табиати, содда ва самимий инсонларининг олижаноб фазилатлари ва рухий ҳолати яққол акс этирилган. «Таъмагирга» каби шеърларида маънавий қашшоқлик, порахўрлик иллатлари қаттиқ қораланган. 2001-2006 йилларда Х.Раҳимнинг «Айригаза», «Говургон», «Қалбадаги битик», «Боботоғ хумори», «Юрак садолари» ва «Кўздаги қиёфа» китоблари нашр этилди. «Юмук», «Шўрчи» балладалари ва академик Ахмадали Асқаров жасоратига бағишланган «Юрак садолари» («Кўрғошин дунё») каби

достонларида баён этилган чуқур фалсафий фикр-мулохазалар, теша тегмаган ташбиҳ ва оригинал тимсоллар китобхонларга манзур бўлди.

Охунбобоевлик Абдирасул Рахимов 1948 йилда туғилиб, у ўрта мактабни ва институтни битиргач, турли лавозимларда ишлади. Вилоят ва туман газеталари билан ҳамкорлик қилиб, таҳлилий мақолалари, ўқимишли очерклари билан журналистлар ва муштарийларнинг хурматига бўлди. Шоир шеърлари содда, равон, чуқур фалсафий фикрларга, оригинал ташбиҳларга бой. Абдирасул Рахимовнинг ҳар бир шеърида она Ватан меҳри, ҳақиқий ишқ-муҳаббат, ёрга вафодорлик ва садоқат, адолат ва ҳақиқат туйғулари уфуриб туради. Оташқалб шоир А. Рахимовнинг 2000-2006 йилда нашр этилган «Сенга кўнгил боғладим» ва «Тулпор» китобига энг сара шеърлари киритилган. Шоира Райхона Раҳимова шеърларида она калби, фарзандлар бурчи, ўзбек аёлининг ажойиб фазилатлари, гўзаллик ва эзгулик тараннум этилиб, ўнлаб лирик шеърлари газетхонлар ҳукмига хавола этилди.

Кекса педагог Холиқул Бўронов 35-мактабдаги бошланғич синф ўқувчиларига қарийб 45 йил сабоқ бериб, у қадимги осори-атиқалар, иш қуроллари, рўзғор буюмлари ва ўзбек миллий либосларини умр бўйи тўплаб, ажойиб уй музейини яратди. Бу музейдаги тарихий ёрдгорликлар томошабин калбида ифтихор туйғуларини уйғотади. Шоир Холиқул Бўроновнинг болаларга бағишланган кўплаб шеърлари вилоят ва туман газеталари ўқувчиларига тақдим этилган. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Саломат Бобохоновнинг бахшиёна шеърларида эзгуликка эътиқод, ёвузликка нафрат, она юртга муҳаббат, инсоний бурчга садоқат туйғулари изҳор этилган. 21-ўрта мактаб ўқитувчиси Шариф Эргашевнинг «Меҳр» ва бошқа ҳикоялари, ҳажвиялари ўзининг мухтасарлиги, образларининг пишиқ-пухталиги, тилининг жозибадорлиги ва танқид тигининг ўткирлиги билан ажралиб туради.

Шоир Ҳайдар Йўлдошев ва Холмўмин Тўхтаевнинг шеърлари содаллиги ва самимийлиги, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги фикр-ўйлари билан диққатни жалб этади. Мустақиллик йилларда 20-мактаб ўқитувчиси Ўлжамурод Мамашевнинг янги шеърлари, 22-мактаб муаллимаси Момо Султоннинг «Қалдирғоч» қиссаси, «Ҳожари гилам» каби ҳикоялари ўқувчилар қалбида ўчмас таассурот уйғотди. «Толли» хўжалигининг Шакарқўл қишлоғидаги уста Хусан Гайдаров ясаган дўмбиралар қўшни республикаларда ҳам машҳур. У қашқадарёлик машҳур Қодир бахши Раҳимов айтган 29 та достонни аудиоманитофон тасмасига ёзиб олган.



Фольклоршунос олим Малик Муродов бу халқ устаси ясаган дўмбира доврўғи ҳамда оғзаки ижод дурдоналарини келгуси авлод учун сақлаб қолиш соҳасидаги эзгу хизматлари тўғрисида видеофильм яратган эди. Боботоғ бағридаги Биллур булоқ суви беғубор ва тоза бўлади, булоқнинг зилол сувлари жўшқин жилғаларга, ирмоқларга кўшилиб азим Сурхондарёга айланади. Обиҳаёт ва меҳнат туфайли она табиат гуллаб-яшнайди, диёнат дарахти бўлган одамлар бахт булоғидан умрбод баҳраманд бўлади!

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида туман маданиятининг юксалишида клуб, кинотеатр, ҳаваскорлик тўгараклари, халқ дасталари ва кутубхоналарнинг хизмати беқиёсдир. XX асрнинг 50-йилларида Шўрчи тумани марказида фақат 1 та эски маданият уйи, жамоа ва давлат хўжаликларида ёзги клуб ва кинотеатрлар, хўжалик ва мактабларда кутубхоналар бор эди. 1953 йил 18 июлда туман ижроия кўмитаси маданият бўлимини ташкил этиш тўғрисида 279-қарорни қабул қилди. Яхшибой Ўсаров туман маданият бўлими мудирлигига тайинланди. Кейинчалик А.Эшниёзов, Неъмат Иноятов, Хасан Ражабов, Чапай Хусанов, Ҳамро Бурхонов, Шоди Норқобилов, Музрабшо Алимардонов, Мўмин Худоёров маданият ва кинолаштириш бўлимларига раҳбарлик қилди. Йирик саноат корхонаси ва хўжаликларида маданият саройи, қишки клублар қурилди, 1979 йилда Шўрчи шаҳрида 2 қаватли янги маданият саройи фойдаланишга топширилди.

1992 йилдан эътиборан Раҳматулла Мўминов туман маданият бўлимини бошқарди. Туманда 23 та киноускуна бўлиб, шундан 5 таси турғун, 18 таси кўчма ҳолда аҳолига хизмат қилган. Шўрчи шаҳрида «Бобур» кинотеатри ишлаб, 1990-йилларда шаҳарда 1 та маданият уйи, 11 та қишлоқ клуби, 3 та автодаъватхона фаолият кўрсатган. Ўзбекистон мустақиллиги халқ ижоди булоқларининг кенг ривожланишига имконият яратиб, туманда 3 та халқ ансамбли, қишлоқларда 10 та ашула-рақс ва фольклор-этнографик дастаси тузилди. 1983 йилда «Кумуш тола», 1996 йилда Ҳайдар полвон Рустамов раҳбарлигидаги «Ҳилол» миллий дорбозлар гуруҳи, 2000 йилда «Булбулгўё» жамоасига халқ ансамбили номи берилди.

1985 йилда Райҳон Бўтаева ташаббуси ва раҳбарлигида «Сурхон» (У Дониёров номли) хўжалигида тузилган «Чанқовуз» ансамбли қадимги миллий рақс ва ашулаларни қайтадан томошабинларга тухфа этди. Ансамблда 80 яшар сибизикчи Нодир бобо, унинг ўғли Абдурашид Нодиров, Эгамберди бахши Холлиев, лапарчи Менгқобил Исмоилов, дўмбиракаш-

созанда Бўри Ортиқов ва бошқалар фаол иштирок этди. Япониялик археолог профессор Кюдзи Като бошлиқ этнографлар «Сурхон» жамоа хўжалигининг маданият саройида «Чанқовуз» ансамбли концертини қарийб бир соат томоша қилиб, видеокамера тасмасига муҳрлади.

Бастакор Қахрамон Комилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нурхон Зулунова Шўрчи туманига келиб «Чанқовуз» ансамбли репертуарига сайқал беришда амалий ёрдам кўрсатди. 1988 йилда «Чанқовуз» ансамблининг кўшиқ ва рақслари Тошкент телевидениеси орқали намойиш этилди. Эндиликда «Чанқовуз» анъаналарини «Баҳор қалдирғочлари» фольклор-этнографик дастаси муваффақиятли суратда давом эттирмоқда. Бу ансамбль 2004 йил 10-15 май кунлари Сирдарё вилоятидаги Гулистон шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон кўшиқлар байрамида фахрли биринчи ўринни эгаллади. 1993 йилдан буён Шўрчи туманидаги «Кумуш тола» ва «Булбулгўё» ансамбли санъаткорлари Тошкент шаҳрида Наврўз ва Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган 26 та тантанали маросимнинг 6 тасида ўзлари, 20 тасида Бойсун ва бошка туман бадийий жамоалари билан биргаликда иштирок этди.

Бундан ташқари, Шўрчи туман маданият уйи қошидаги бадийий жамоалар Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги, соҳибқирон Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан Самарқандда, Бухоро, Термиз ва Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги ҳамда Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантаналарида ўзларининг жозибали миллий рақслари ва кўшиқ-кўйларини халқ ҳукмига ҳавола этди. 1997 йилда Нусрат Абрайқулов бошлиқ «Жон болажон» жамоаси оилавий ансамбллар кўрик-танловида вилоятда ва республикада биринчи ўринни эгаллаб «Дамас» автомашинаси билан мукофотланди. «Жон болажон» ва «Булбулгўё» ансамблининг 24 нафар аъзоси 1998 йилда Туркияда 2 ҳафта сафарда бўлиб қайтди.

Шўрчилик маданият ходимлари «Ўзбекистон-Ватаним маним» республика кўшиқ байрамида совринли ўринларни эгаллади. 1997 йилда истеъдодли хонанда Нурмамат Ҳайитов ўзининг «Истикбол кўшиғи» билан туманда ва вилоятда биринчи ўринни олиб, республика кўшиқ байрамига тавсия этилди. 1997 йилда Термизда ўтказилган кўрик-танловда кўшиқчи Ўрол Эшдавлатов ва Бахтиёр Бобохонов рағбатлантирувчи ўрин соҳиби бўлди. «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танловининг республика босқичида 2002 йилда Дилдора Каримова, 2003 йилда эса Юлдуз (Ситора) Орипова фахрли 2-ўринни эгаллаб, эсдалик совғалари билан тақдирланди. «Булбулгўё» фольклор-этнографик ансамбли 2005 йилда Термизда ўтказилган кўрик-танловда фаол қатнашиб, вилоятда биринчи ўринни эгаллади.

Қўли гул чевар Иқлим Тошбоева миллий ўзбек театри ва келин-куёв либослари дизайни бўйича Термиз шаҳрида бўлган кўрик-танловда вилоят бўйича бир неча марта биринчи ўринни эгаллади. У Тошкентда ўтказилган «Ташаббус—2002» кўригида махсус диплом билан тақдирланди, айниқса, Иқлим Тошбоева тайёрлаган миллий либослар «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор-кўшиқ фестивалининг қатнашчиларига ғоят манзур бўлди. Моҳир каштачи 2002-2003 йилларда ЮНЕСКО-нинг махсус дипломи билан икки марта мукофотланди. Туманда 2010 йилда 35 та, шу жумладан, Шўрчи шаҳрида 4 та, қишлоқларда 31 та кутубхона бўлиб, Марказий кутубхона тармоқларида 2010 йилда 250 минг 500 нусха китоб мавжуд. Марказий кутубхонанинг ўқув залида ва бошқа кутубхоналарда тарихий саналар, байрамлар, шоир ва адибларнинг ижодига бағишланган китобхонлар конференцияси, меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашувлар, бошқа кизикарли тадбирлар уюштирилди. Шўрчи тумани марказий кутубхонасида «Ахборот танлаб тарқатиш» мавзусида семинар машғулоти ўтказилди. Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизимига қаршли 19 тармоқ кутубхонасичи Мегнора Мўминова биринчи ўринни, 1996 йилда «Кутубхона ёшлар камолотида» Республика кўрик танловида Шўрчи туманидаги марказлашган кутубхоналар тизимига қаршли 23-тармоқ кутубхонаси кутубхоначиси Зулхумор Холбоева ҳам фахрли биринчи ўринни, 2001 йили «Йилнинг энг яхши сценарийси» Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизими болалар кутубхоначиси Озодахон Турдиева биринчи ўринни, «Энг яхши оммавий тадбирлар сценарийси» номли Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси услубият бўлими мудир Эътиборхон Мустафоева биринчи ўринни, 2003 йилда «Маҳалла менинг уйим» деб номланган йилнинг энг яхши сценарийси кўрик танловидаги Республика босқичида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудираси Улғўзи Жўраева фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Кутубхоначилар 1995 йилдан буён ташаббусни қўлдан бермай, вилоятда кутубхона ишларини юқори савияда йўлга қўйиб, 2005 йилда вилоятда Республика Маданият ишлари Вазирлиги тизимидаги кутубхоналар сони 413 тага, китоблар жамғармаси эса 3428825 тани (шундан, 1775223 нусхаси ўзбек тилида) ташкил этди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида Шўрчи мусиқа мактаби 1963 йилда очилиб, мактаб 1990 йилда янги қурилган икки қаватли бинода иш бошлади. Мусиқа мактабида илгари 350 ўғил-қиз шуғулланган бўлса, 2010 йилда 218 бола машғулотларда қатнашиб, ўзбек миллий мусиқа асбобларидан чанг, дутор,

най, кашқар ва афғон рубоби, дойра, рақс ва анъанавий кўшиқ бўлимлари бор. Рустам Қоржонов, Чори Аноров, Олим Пардаев, Нилуфар Йўлдошева, Саодат Муродова ва бошқа устозлар ёшларга санъат сирларини ўргатди. Ўқувчилар туман, вилоят ва республика танловларида ўз маҳоратларини халқга намойиш этди.

Мустақиллик йилларида маҳаллий бастакорлар етишиб чиқиб, мусиқа мактаби директори Орзикул Нуралиев таниқли шоир ва шўрчилик ижодкорларнинг шеърларига куй басталади. Раҳматулла Мўминов халқ кўшиқлари ва ўйинларига қайтадан ҳаёт бағишлаб 2002 йилда «Булбулгўё наволари» китобини яратди, китобда кўшиқлар матни ва мусиқа нотаси берилган. Кўшиқчи Ўрол Эшдавлатов Тошкентда мусиқий ижод билан шуғулланди.

Шўрчилик Шоира Қурбонова саҳналаштирган миллий рақслар томошабинларга манзур бўлиб, у «Ўзбек-рақс» бирлашмасининг вилоят бўлимида бош балетмейстер бўлиб ишлаб «Шухрат» медалига сазовор бўлди. Маданият ва санъатни ривожлантириш, ёшларни тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун мусиқа мактабининг дутор бўйича педагоги Тамара Мухторова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», Ҳамро Қурбонов «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудир Раҳматулла Мўминов «Фидокорона хизматлари учун» ордени, халқ лапарларининг ижрочиси Менғқобил бобо Исмоилов ва дўмбирачи Абдуҳамид Янгибоев «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 1997 йил вилоятда 798 та умумий таълим мактабларида 417,8 минг ўқувчилар таълим тарбия олган бўлса, 219 та ўрта таълим қошидаги мактаб, лицейларида 2689 ўқувчи таълим тарбия олди. Вилоят халқ таълимининг асосий тармоғи ҳисобланган мактабгача тарбия муассасаларининг сони 453 та бўлиб, унда 31,1 минг болалар тарбияланди, бу соҳага 21620 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, вилоятда мавжуд 31 та касб-хунар техника ўқув билим юртларида 13,1 минг ўқувчи таълим олди. 1997 йилда вилоятда халқ маориф ривожига оид муҳим амалий ишлар бажарилиб, қатор ижобий тадбирлар бажарилиши туфайли ижобий натижаларга эришилиб, Шўрчи туманида 7140 ўқувчи мактабларга, 3200 бола мактабгача таълим муассасаларида таълим олди.

Шўрчи туманда спорт турлари бўйича жами 31 нафар мураббийлар гуруҳларда машғулотлар олиб бориб, бу мураббийларнинг 22 нафари олий ва 7 нафари эса ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Спорт мактабида спортнинг 9 тури бўйича жами 89 та гуруҳлар ташкил этилиб, бу гуруҳларда жами 1378 нафар ўқувчи спортчилар ўзларининг маҳоратларини оширди. Бу спорт мактаби Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Олтинсой, Узун ва Сариосиё туманлари спорт мактабларининг жамоалари билан кўп маротабалаб ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Спорт мактаби вилоят финал босқичида (2001-2002 йилги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида) 5-7 синфлар ўртасида фахрли 1-ўрин, 8-11 синфлар ўртасида III-ўринни эгалладилар. Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган Республика финал босқичидаги мусобақаларда спортчилардан 8 нафари спортнинг уч турида (кураш, белбоғли кураш, волейбол) иштирок этишиб, кураш бўйича II-ўринни эгаллашди. Спорт мактаби малакали спортчилар тайёрлаш бўйича қуйидаги натижаларга, спорт усталигига номзодлар-2, 1-разрядли спортчилар -25, 3-разрядли ёшлар -286 таги эришдилар.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2006 йилда “Шўрчидонмаҳсулотлари” хиссадорлик жамияти қошида бир вақтнинг ўзида 170 нафар ёшлар спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд бўлган умумий қиймати 140 млн 355 минг сўмлик ёзги, замонавий тренажёрлар ва татами кураш гиламлари билан жиҳозланган қишқи спорт комплекси ишга туширилди. 2006 йилда бу комплекда болалар спортининг дзюдо, эркин кураш, миллий кураш, каратэ, кўл жанги каби турлари билан шуғулландилар. Шу соҳада олиб борилган ишлар натижасида 143 нафар биринчи даражали, 629 нафар оммавий разрядли спортчилар тайёрланди.

Туманда 2006 йилда болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилди. Тумандаги А. Сафаров номи ширкат хўжалигида умумий қиймати 178 млн сўм бўлган “Ёшғайрат” спорт мажмуаси қурилди. Унга 43 млн сўмлик спорт анжомлари олинди. Бу комплекда бир вақтнинг ўзида 108 нафар болалар спортининг 9 тури бўйича шуғулланиш имкониятига эга. Туманда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари ҳисобига туманда 75 та янги иш ўринлари яратилди. Туманда 2005 йилда комплекда болалар спортнинг дзюдо, эркин кураш, миллий кураш, каратэ, кўл жанги каби турлари ташкил қилиниб янги спорт иншоотлари қуриб ишга туширилди. Шу соҳада олиб борилган ишлар натижасида 143 нафар биринчи даражали, 629 нафар оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. Шўрчи - азалдан машҳур полвонлар, чакқон чавандозлар, спорт усталари юрти.

Менгтўра, Давлат, Норин, Бобош, Гулбой, Норбой Қизил, Юзбой, Гулмирза, Омон, Номоз, Жовли, Алибой, Туро, Алман, Менгбой, Бобохон, Ҳамза Бердимуродов, Менгзиё Лолаев, Эшмамат Лолаев, Нурмамат Лолаев, Менгликул Лолаев, Шодмон Валиев, Йўлдош Норматов, Эркин Сафаров, Бахтиёр Шерхонов, Абдураззоқ Жўраев, Жума Сафаров, Сайид Қаршиев, Қаҳромон Сафаров, Шухрат Бекмуродов, Хуррам Муротов, Чори Бобожонов, Норбой Жумаев, Бўри Зиёев, Кароматилло Менгноров, Омон Имомов, Турғунжон Мматалиев, Жума Каримов ва бошқа полвонлар тўй-томошаларда миллий кураш бўйича ғолиб чиқиб, элнинг ор-номуси ва шаънини мардона ҳимоя қилган. Савртепалик Алман полвон Валиев Иттифоқ ва Республика мусобақаларида биринчи ўринни олиб, шухрат қозонган. Эндиликда Бахтиёр Шерхонов ва Шухрат Бекмуродов каби полвонлар Алининг майдонида шижоат билан курашмоқда. Ободонлик Холмат полвон ва унинг ўғли чавандоз Тўра Хўжакелдиев тўйлардаги кўпқари (улоқ)да бош совринларни олиб, эл олқишига мушарраф бўлган. Холмат Бегматов номли 1-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчиси Равиля Салимова (Прокопенко) баскетбол бўйича Совет ва жаҳон чемпиони бўлиб, Тошкент шаҳридаги спорт мактабининг директори бўлиб ишлади. Мустақиллик йилларда Шўрчи туман мактабларининг ўқувчилари республика ва вилоят миқёсида ўтказилган спартакиада мусобақаларида совринли ўринларни эгаллади.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида Шўрчи шаҳридаги Бойназар Холматов номли маданият ва истироҳат боғидаги «Пахтакор» стадиони мукамал таъмирлаб, Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати ҳиссадорлик жамияти стадиони кўнгилдагидай ишлаб турибди. Комбинатнинг «Шўрчи-Лочин» футбол жамоаси республикадаги биринчилиги ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, шунингдек, Охунбобоевлик футболчилар ҳам мусобақаларда қувончли натижаларга эришди.

Туманда 2004 йилда 7 қишлоқ маданият уйи, 5 қишлоқ клуби, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, шаҳар кутубхонаси, кўзи ожизлар кутубхонаси аҳолига хизмат кўрсатади. Туманда 2005 йилда маданият соҳасида муҳим амалий ишлар қилинди, жумладан, туман ҳокимининг ташаббуси билан 10 млн сўм сарфланиб, туман марказий кутубхонаси ва мусиқа мактаби капитал таъмирдан чиқарилди. “Булбулигўё” халқ фольклор -- этнографик ансамбли 2005 йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида ўтказилган Республика фольклор – этнографик ансамбллар кўрик – танловида фахрли 2-ўринни, 2005 йилнинг сентябр ойида Тожикистон Республикасида ўтказилган халқаро “Садои дилхо” фестивалида 13 та хориж

мамлакатларининг санъаткорлари билан беллашиб фахрли 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, “Ўзбекистон Ватаним маним” Республика “Қўшиқлар байрами” кўрик танловида “Кумуш тола” халқ ансамбли хонандаси Бахтиёр Усмонов фахрли 2-ўринни эгаллаб, “Халқлар Дўстлиги” саройида ўз дастурини намойиш этишга муяссар бўлди. Шўрчи туманида 2005 йилда маданият уйи 1 та, қишлоқ клублари 12 та, кутубхоналар сони 35 та, ашула ва рақс ансамбллари 12 та, бадиий тўғарақлар сони 67 та, музейлар сони 5 тага етиб маданий тадбирлар юқори савияда ташкил этилди. Мустақиллик йилларида Шўрчи тумани маданияти ҳар томонлама ривож топиб, республика ва жаҳон миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, ўзининг қобилиятли ва талантли маданият ва санъат ходимлари, бахшилари, халқ оғзаки ижодиёти, рассом, мусиқачилари билан танилди. Шўрчи маданият ва ходимлари ўзларнинг мукамал санъати ҳамда қўшиқ ҳамда аънавий рақслари, мақом ва лирик қўшиқлари билан Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик, Наврўз ва турли хил байрамларида фаол иштирок этиб ўз санъат дастурлари билан шуҳрат топиб эл назарига тушиб келмоқдалар.

Миллий урф-одатлармиз ва кадриятлармизни тиклаш, ёш авлод онгга сингдириш ва ҳар томонлама тарғиб қилишда фидойи инсонларни хизмати чексиздир. Халқимининг сеvimли саънаткори. Таниқли миллий рақсларни тиклаш ва қайта ривож топишга муносиб ҳисса қўшган Шўрчилик Менгқобилбобо Исмоиловнинг фаолияти миллий анъаналармизнинг янада юксалишига муносиб баҳодир. У 1927 йилда Шўрчи туман Янгибозор ҚФЙ га қарашли “Оққурғон” маҳалласида тўғилган. Менгқобилбобо ёшлигидан санъатга қизиқиб, кўпгина лапар ва рақсларни ўрганиб, маҳаллардаги тўй - томошаларда ижро этган. Ижодий фаолияти даврида Республикамиздаги кўрик- танловларда яхши натижаларга эришиш билан бир қаторда кўплаб ижодий сафарлар ва халқаро фестивалларда фаол иштирок этган. Жумладан: 2002 йил “Бойсун бахори- халқаро фольклор қўшиқ” фестивалида, 2003 йил “Бойсун бахори- халқаро фольклор қўшиқ” фестивалида. 2004 йил “Бойсун бахори- халқаро фольклор қўшиқ” фестивалида, 2005 йил Тожикистон Республикасида ўтказилган “Садои дилхо” Халқаро фольклор қўшиқ фестивалида, 2007 йил 1-7 апрел кунлари Туркманистон Республикаси пойтахти Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган “Халқаро фольклор ва театр санъати” фестивалиларда иштирок этиб ўзбек миллий саънати жаҳонга тарғиб қилиб. Катта ҳурматга сазовор бўлди. Айниқса унинг Республика вилоят ва туманда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрам тантаналарида ва “Наврўз” умумхалқ байрам тантаналарида 1993 йилдан бери иштирок этиб, ижро этган саънати асрлароша миллий кадриятлармизнинг дурдона асарларни янада барҳаётлигини намойиш этди. Таниқли санъаткор М Исмоилов Республика халқи ва меҳмонлар олқишига сазовор

бўлиб, 2009 йил 1 май куни Тошкент вилояти Бустонлик туманида “Асрлар садоси ” фестивалида, 2010 йил 9 август куни “Кухна ва боқий Бухоро” ёдгорлигининг очилиш маросимида фаол иштирок этиб, миллий рақс саънатимизни жаҳонга намоиш қилди. Халқимизнинг сеvimли саънаткори, кўплаб шогирдлар устози. Сурхон элининг дунёга танитган Ўзбекистон ифтихори Менгқобилбобо Исмоилов 2013 йил 2 августда вафот этди. Унинг намунавий саънат соҳасидаги хизматлари асрлароша яшайди.

Мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш, яқин келгусида ҳар томонлама тараққий этган қудратли давлатга айлантириш учун ёшлар онгида маънавий йўналишларни, халқимизнинг минг йиллик ўтмиши даври мобайнида тўплаган бой миллий қадриятларни қайта тиклаб, ўз ватанимиз, ўз халқимиз фаровонлиги учун астойдил меҳнат қилиш мақсадида Шўрчи туман марказий маданият уйи ходимлари ҳамкорликда кўпгина ижобий ишларни амалга ошириб бормоқдалар. Туман маданият ва спорт ишлари бўлимига 2012 йил 13 ноябрдан Исоқов Санжарбек Мадаминжонович раҳбарлик қилиб, у катта ижодий ишларни амалга оширмоқда. Марказий маданият уйида халқ жамоалари : “ Кумуш тола” халқ ашула ва рақс жамоаси, “ Булбулигуё” халқ фольклор-этнографик жамоаси, 12 та қишлоқ филиалларида биттадан бадиий жамоалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, марказий маданият уйида вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида 10 та тўғарак: Рақс, ашула, миллий эстрада, фото-видео, бадиий ўқиш, рубоб, доира, компьютер, фольклор, драма тўғараклари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ филиалларида ҳам ёшларнинг қизиқишлари инобатга олиниб, тўғараклар бадиий жамоалари ташкил этилган. Марказий маданият уйи халқ жамоалари иштирокчилари туман, вилоят миқёсида ўтказилган оммавий тадбирларда, кўрик- танловларда яхши натижаларга эришиш билан бир каторда кўплаб концертларда, фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Туман , вилоят миқёсидаги “Наврўз” байрамларида, республика миқёсидаги фестивалларида “ Булбулигуё” халқ фольклор жамоаси иштирок этиб келдилар. Марказий маданият уйида 3та халқ бадиий жамоаси: “Кумуш тола” халқ ашула ва рақс бадиий жамоаси , “Булбулигуё” халқ фольклор бадиий жамоаси, “Хилол” халқ миллий дорбозлар жамоаси ҳамда вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида 10 та тўғарак : рақс, ашула, миллий эстрада, фото-видео, бадиий ўқиш, рубоб, доира, компьютер, фольклор, драма тўғараклари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, марказий маданият уйига қарашли 12 та қишлоқ филиали маҳаллаларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу филиалларда 1 тадан бадиий жамоалар, ҳамда тўғараклар ташкил этилган. 2013 йил “Обод турмуш йили” ҳамда 14 январ “Ватан химоячилари куни” муносабати билан 2013 йил 12 январда, халқимиз онгига буюк бобоклонимизнинг ижодий меросига меҳр-муҳаббат ўйғотиш, ёшларни Навоий томонидан қолдирилган



ижодий меросга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида 2013 йил 9 феврал куни Шўрчи туман Тиббиёт коллежи ахборот-ресурс маркази ўқув залида, Тиббиёт коллежи, ХТБ га қарашли №7-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби, Кўзи ожизлар кутубхонаси, марказий маданият уйи ҳамкорлигида “Навоий- баширият эъзозидаги шоир” номли мусиқали шеърият тадбири ўтказилди.

Мустақиллик йилларида туманда маънавий-маърифий ишлар йўналишида муҳим аҳамиятга эга ишлар амалга оширилди. Айниқса туман хотин-қизлар қўмитаси ушбу масалада алоҳида ижобий ишлар бажариб, тумандаги хотин-қизларнинг миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналарга оид бажарган ишлари ибратлидир. Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Дагирова раҳбарлигида алоҳида маънавий-маърифий ишлар бажарилди: жумладан; 2016 йил 13 май куни “Арслонбойли” маҳалласида “15 май Халқаро оила куни” муносабати билан маҳалладаги “Намунали оила”, “Оқсой” ва “Жийдали” маҳаллаларида “Оилам бахтим” мавзуларида тадбирлар ўтказилди. Шунингдек. 2016 йил 13 майида туман ҳокимлигида «Оила аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш - оила барқарорлиги омили» мавзусида давра суҳбати ўтказилиб, ушбу давра суҳбатда Туман ФХДЁ бўлими мудири К.Қулсоатова ва 1-тоифали инспектори Н.Турсунова, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими бош мутахассиси Г.Қобилова, туман бош отинойи Д.Яҳёевалар мазмунли маърузалари билан иштирок қилдилар.

2016 йил 14 май куни соат 9.00да Агросаноат касб-ҳунар коллежида “Юрт келажаги” номли иқтидорли ёшлар кўрик-танлови ўтказилиб, унда 10 та йўналиш бўйича 15-25 ёшгача бўлган 351 нафар иқтидорли ёшлар қатнашиб, шундан 30 нафари вилоят босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

касб-хунар коллежида ҳамкор ташкилотлар иштирокида хотин-қизлар ўртасида диний экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш ва диний вазиятни соғломлаштириш мавзусида йиғилишлар, давра суҳбатлари ўтказилди. 2147 нафар хотин-қизлар иштирок этди. 2015 йил 05 майда тумандаги “Алпомиш” ўйингоҳида “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида гала концерт ташкил этилди. Тадбирда эл севган хонандалар, ёзувчи, актёр ва актрисалар иштирок этишдилар ва давра суҳбатлари олиб боришдилар. Тадбир доирасида 7 мингга яқин ёшлар қамраб олинди. 22 октябр куни «Энг намунавий Хотин-қизлар кумитаси бошлангич ташкилоти» курик танловининг туман босқичи ўтказилди. Бу кўрик-танловда 5 та йўналиш бўйича 5 нафар хотин-қизларимиз вилоят босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1-“Истиқлол юлдузлари” МТМ ходими Саломова Мадина ушбу курик-танловнинг республика босқичида 3-ўринни эгаллаб қайтди. 16 октябр куни 11-сон санъат ва мусиқа мактабида “Кексаларни эъзозлаш – энг улуғ қадрият” шиори остида “Ораста қизлар давраси” кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Бу кўрик-танловда йўриқнома асосида 12 нафар қизлар вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди ва фахрли 2-ўринни эгаллаб қайтишди. 26 ноябр куни 11-сон санъат ва мусиқа мактабида Маҳаллалар ўртасида “Маҳаллам - менинг тақдиримда” кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Туман хокимлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмитаси, ИИБ ҳамкорлигида “Боймоқли” маҳалласидаги диний экстремистик оқимга мойиллиги бор аёллар билан ва уларнинг оилаларига жойлардаги хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслахатчиларини бириктирилиб маъмурий назорат ва профилактик ишлари олиб борилмоқда. 2015 йилнинг ўтган 6 ойида диний экстремистик оқимга мойиллиги бор 5 нафар аёллар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Туман бош отинойиси ва маҳаллаларда фаолият юритаётган отинойилар билан 2015 йилнинг 2-чорагида туман хокимлигида 3 та семинар йиғилишлари ташкил этилди, улар диний мутаассибликка берилаётган аёлларга яъни 5 нафар диний экстремистик оқимга мойиллиги бор аёлларга, 12 нафар хижобада юрган хотин-қизларга бириктирилиб, улар билан яқка тартибда суҳбатлар олиб бориб, туман жамоатчилик кенгашига ахборот топшириб боришлари юклатилди. 2015 йил 12 июнда “Арслонбойли” ҚФЙида диний экстремистик оқимга мойиллиги бор оилалар учрашувлар ўтказилди. Уларга “ИШИД” фитнаси кинофильми намойиш этилди. 2015 йилнинг 2-чорагида барча умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежларида “Ораста қизлар тўғараги” аъзолари ўртасида феврал-март ойларида “12 йиллик мажбурий таълим биз қизлар учун ўта

зарур ва муҳим”, апрел ойида “Муомала, Либос ва Биз”, 11-16 май кунлари “Китобхонлик ва мутолаа маданияти” мавзуларида ҳафталиклар ўтказилди. 26 июнда туман ҳокимлиги мажлислар залида “Либослардаги тақлидлар ҳамда туй ва маросимлардаги салбий одатлар” тугрисида семинар ташкил этилди. Ушбу семинарда 260 киши иштирок этишди ва видеороликлар намойиш этилди. Таълим муассасаларида “Миллий либос-маънавият кўзгуси”, “Кийимлар нодир кадрият дурдонаси”, “Кийиниш одоби”, “Ёшларнинг кийиниш маданиятига доир” тадбирлар ташкил этилди ва туман газетасида ўтказилган тадбирлар юзасидан мақолалар чоп этилди. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ҳамда хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар “Қумқурғон садоси” газетаси орқали кенг ёритиб борилмоқда. 2015 йилнинг 12 ойида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Мардлар қўриқлайди ватанни”, “Ораста қизлар ҳафталиги”, “Зулфияхоним издошлари”, “Ораста қиз-бахтли оила дастёри” мавзуларида мақолалари чоп этилди. 2015 йил 4-чорак давомида “Қумқўрғон садоси” газетаси муҳарририяти, Маънавият маркази, хотин-қизлар қўмитаси билан доимий ҳамкорликда иш олиб бориб, жамиятнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган таниқли хотин-қизларнинг намунали ҳаёти ва фаолияти, аҳоли орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, маҳаллаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини кенг акс эттирувчи “Мустаҳкам оила-мустаҳкам қўрғон” мавзусида мақола чоп этилди. Тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. 9-май хотира кадрлаш куни муносабати билан тумандаги «Навруз» истирохат боғида тантанали байрам тадбири ўтказилди. Бу байрам тадбирида 60 нафар меҳнат фахрийлари ва уруш қатнашчилари иштирок этди ва улар «Дониёр» туйхонасига бир пиёла чойга тақлиф этилди.

7 август куни тумандаги Мунчоқтепа ва Киндиктепа маҳалла фуқаролар йиғинлари 21-мактаб биносидан “Кексаларни эъзозлаш – улуғ кадрият” шиори остида маҳалла ёшлари билан кекса авлод вакиллари иштирокида учрашув ва концерт дастури тадбири ўтказилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2015 йил апрел ойида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида фаолият олиб бораётган “Ораста қизлар тўғараклари” аъзолари томонидан 9 май байрами муносабати билан улуғ ватан уруши қатнашчилари, ногиронлар, ўзгалар парваришига мухтожлар

холидан хабар олинди. Жумладан, “Оқсой” маҳалласида яшовчи улуғ ватан уруши қатнашчиси 1920 йилда туғилган Нодиров Нормурод бобо, “Боғоро” маҳалласида яшовчи 1928 йилда туғилган Дарханов Бароқ бобо, “Мунчоқтепа” маҳалласида яшовчи 1923 йилда туғилган Мусаев Хайит бобо, “Пахтаобод” маҳалласида яшовчи 1925 йилда туғилган Чориев Абдирахмон боболарнинг холидан хабар олинди, хонадонидида тозалик ва ободонлаштириш ишларига кўмак берилди. “Оқсой” маҳалласида яшовчи 102 ёшда Чориева Обод момо, “Умид ниҳоллари” МФЙдаги 102 ёшли Абдуллаева Зарипа момо, “Тўғон” МФЙдаги 105 ёшли Тўхта момо, “Жозиба” МФЙдаги 114 ёшли Гаппорова Ихбол момолар холидан хабар олинди. Қумқўрғон тумани темир йўл бекатида 2015 йил 8 май куни “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан “Саломатлик поезда” билан келтирилган тумандан 20 нафар 100 ёш ва 100 ёшдан ошган уруш қатнашчилари, кам таъминланган оилалар вакилларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Тумандаги барча маҳаллаларда “Меҳрдан яшнаш кўнгили” шиори остида учрашувлар ўтказилиб, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан уларга озиқ-овқатлар тарқатилди. 25 октябр куни “Қумқўрғон садоси” газетасида 2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида 11-сон мусиқа ва санъат мактабида “Кексаларни эъзозлаш – энг улуғ қадрият” шиори остида ўтказилган “Ораста қизлар” кўрик-танловининг туман босқичи мақоласи чоп этилди. 26 ноябр куни 11-сон санъат ва мусиқа мактабида Маҳаллалар ўртасида “Маҳаллам - менинг тақдиримда” кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида, касб-хунар коллежлари ва таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислон Каримов асарлари, Фармон, Фармойиш ва қарорлари нутқ ва маърузаларда белгиланган вазифалар, миллий ғоя ва мафкура мазмун моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси аҳамияти, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлари “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарларининг мазмун моҳияти ва “Маънавиятимизни ва миллий қадриятларимизни асраб қолайлик” мавзусида барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ва таълим муассасаларида йиғилишлар ташкил этилди. 2015 йилнинг 12 ойида 73 та йиғилиш ўтказилиб, жами 3568 нафар ўқувчи ва аҳоли иштирок этди. 8 - март Хотин-қизлар куни байрами муносабати билан туман хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, “Маҳалла” жамғармаси туман

бўлими, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида 2015 йил 6 март куни тумандаги “Турон” кафесиди 100 нафар идора ва ташкилотлар ҳамда фермерлик хўжаликлариди узоқ йиллар меҳнат қилаётган аёллар ва фахрия онахонлар таклиф этилди ва тадбир давомида байрам совғалари тақдим этилди. Жами 100 нафар аёллар тадбирга ташриф буюрдилар ва уларга эсдалик совғалар улашилди. 22 октябр куни «Энг намунавий Хотин-қизлар кумитаси бошлангич ташкилоти» курик танловининг туман босқичи ўтказилди. Бу кўрик-танловда 5 та йўналиш бўйича 5 нафар хотин-қизларимиз вилоят босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1-“Истиқлол юлдузлари” МТМ ходими Саломова Мадина ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида 3-ўринни эгаллаб қайтди. 28 октябр куни Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодлар саралаш танловининг туман босқичи ўтказилди. Бу танловда 56 нафарга яқин иқтидорли қизлар иштирок этишдилар ва 5 та йўналиш бўйича 5 нафар иқтидорли қизлар вилоят босқичида иштирок этиш учун ҳужжатларини тайёрламоқда.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида тумандаги 60 та маҳалла фуқаролар йиғинида 60 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг профилактик тарбиявий ишларини кучайтириш мақсадида ҳар ойда ўқув семинарлари ўтказиб борилмоқда. 2015 йил 6 май куни тумандаги 11-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида “Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” танловининг туман босқичи ўтказилди. Тудбирда “Навбахор” маҳалласи маслаҳатчиси Жумаева Сожида 2-ўринни, “Меҳробод” маҳалласи маслаҳатчиси Хусанова Рўзихол 3-ўринни эгалладилар. 1-ўринни эгаллаган “Нурли диёр” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Шайманова Хадича вилоят босқичида фаол иштирок этиб кўрик-танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. “Оқжар”, “Ўзбекистон”, “Юқори какайди” ва “Жалоир” қишлоқ фуқаролар йиғинларида ва “Янги шаҳар”, “Дўстлик” ва “Сурхон соҳили” маҳалла фуқаролар йиғинларида миллий кадриятларимизга зид бўлган ўз жонига қасд қилиш, никоҳдан ажралишлар, фоҳишабозлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишларда жами 684 нафар киши иштирок этди. 21 июн куни туман ҳокимлигида “Сурхон соҳилида” маҳалласида яшовчи вояга етмаган 1997 йилда туғилган Хидирова Нодира Юусф қизи 2015 йил 16 июн куни дори воситасини ичиб, захарланганлиги ҳолати юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида миллий хавфсизлик хизмати бўлими, “Камолот” ЁИХ туман Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, туман масжиди бош имом хатиби, туманхотин-қизлар кўмиталари билан биргаликда 8 июл куни “Оқжар” ҚФЙга қарашли “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 44-умумий ўрта таълим мактабида Диний ақидапарастлик ва миссионерлик қарши курашиш чора-тадбирлари” мавзусида, 14 июл куни туман ҳокимлигида 22 июл куни “Оқжар” ҚФЙга қарашли “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 67-умумий ўрта таълим мактабида Диний ақидапарастлик ва миссионерликка қарши курашиш чора-тадбирлари” мавзусида, “Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним- Ўзбекистоним!” шоири остида ва диний экстремизмга қарши курашиш тўғрисида маҳаллаларда аҳоли ва уюлмаган ёшлар ўртасида 6 август куни Қорсақли, Имомтепа, Чаёнтепа маҳалла фуқаролар йиғинлари Қорсақли хизмат кўрсатиш КХКда, 6 август куни Тўғон маҳалла фуқаролар йиғини 4-мактаб биносида, 7 август куни Мунчоқтепа ва Киндиктепа маҳалла фуқаролар йиғинлари 21-мактаб биносида, 7 август куни Янгиер ва Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғинлари 7-мактаб биносида, 8 август куни Хўжамулки маҳалла фуқаролар йиғини 6-мактаб биносида, 8 август куни Элобод, Хуррият маҳалла фуқаролар йиғинлари Қумкўрғон қурилиш ва транспорт КХКда, 10 август Азларсой, Боғаро, Янгишаҳар маҳалла фуқаролар йиғинлари Агросаноат КХК биносида ва Пахтаобод, Бўстон маҳалла фуқаролар йиғинлари 8-мактаб биносида, 11 август куни Жийдали, Навбахор, Оқсой маҳалла фуқаролар йиғинлари 24-мактаб биносида ва Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини 46-мактаб биносида, 12 август куни Тўғон маҳалла фуқаролар йиғини 4-мактаб биносида ва Янгиҳаёт, Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғинлари 63-мактаб биносида, 13 август куни Умид ниҳоллари, Жалоир, Нурли диёр, Уяс маҳалла фуқаролар йиғинлари 9-мактаб биносида, 14 август куни Боболочин ва Истиклол маҳалла фуқаролар йиғинлари 13-мактаб биносида, 15 август куни Янги авлод ва Ўзбекистон 5 йиллиги маҳалла фуқаролар йиғинлари 38-мактаб биносида ва Оқтом ва Пастхам маҳалла фуқаролар йиғинлари 54-мактаб биносида, 17 август куни Халаки ва Хўжақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари 60-мактаб биносида ва Каттакўл, Кўганли ва Ариқошган маҳалла фуқаролар йиғинлари 35-мактаб биносида, 18 август куни Янгиқишлоқ, Арпаоя, Халқобод маҳалла фуқаролар йиғинлари Иқтисодиёт ва транспорт КХКда, 19 август куни Арслонбойли ва Ачамайли маҳалла фуқаролар йиғинлари Ачамайли МФЙ биносида, 20 август куни Саховат маҳалла фуқаролар йиғини 29-мактаб биносида ва Тебат маҳалла фуқаролар йиғини 57-мактаб биносида, 21 август

куни Ғалаба, Тўда, Шерози маҳалла фуқаролар йиғинлари Педагогика коллежи биносид ва Чукирли ва Исломобод маҳалла фуқаролар йиғинлари 30-мактаб биносид ва 22 август куни Сурхон соҳили ва Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинлари “Наврўз” истирохат боғида ва Нефтчи ва Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинлари Сурхон ПИ ўйингоҳида маданий, маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди ва ИШИД кинофильми намойиш этилди Хар ойнинг йигирманчи санасида туман бош отинойиси тумандаги отинойилар билан биргаликда “Шох Машраб” жомеъ масжидида “Диний экстримизм ва ИШИД фитнаси” тугрисида суҳбат олиб борилмоқда. 09 сентябр куни “Жийдали” маҳалла фуқаролар йиғинида туман хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими ва туман бош отинойиси билан биргаликда “Хотин-қизлар ўртасида диний-экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш ва диний вазиятни соғломлаштириш тўғрисида” семинар ўтказилди. 17 сентябр куни Қумқўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида диний ақидапарастлик ва миссионерликка қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида йиғилиш ўтказилди ва ўқувчилар ИШИД“ видеофильми намойиш этилди. Барча умумтаълим мактабларида А.Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган куни муносабати билан тадбирлар ташкил этилди. Туман ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 8-март Хотин-қизлар кунини 6 мартда “Турон” кафесида, Наврўз байрами “Алпомиш” ўйингоҳида тантанали равишда ўтказилди. Наврўз байрами муносабати билан тумандаги 20 нафар меҳнат фахрийлари ва уруш катнашчилари, 30 нафар кекса ногиронларга «Дониёр» чойхонасида байрам тадбири ташкил этилиб, ош тарқатилди.

9-май хотира кадрлаш куни муносабати билан тумандаги «Наврўз» истирохат боғида тантанали байрам тадбири ўтказилди. Бу байрам тадбирида 60 нафар меҳнат фахрийлари ва уруш катнашчилари иштирок этди ва улар «Дониёр» тўйхонасига бир пиёла чойга таклиф этилди. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги кенг нишонланди. 12 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийлари “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотландилар.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2015 йил 23 майда тумандаги “Олтин калитча” МТМда “Туманнинг жажжи гўзали” кўрик-танловида туман 6-МТМ тарбияланувчиси бўлган зукко қизимиз Зухраҳон Нормўминова кўрик-танловнинг туман ва вилоят босқичида олий ўрин соҳибаси деб эълон қилинди. Жорий йилнинг 26 август куни туманимиз марказидаги “Алпомиш” спорт мажмуаси ҳамда “Наврўз” истирохат боғида Ўзбекистон Республикаси давлат



мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрам тадбирида туман Маданият ва спорт ишлари бўлими санъаткорлари ва 11-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳамда Республикадан ташриф буюрган “Сурхон” гуруҳи ва Сарвиноз Абдуллаева иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Байрам тантанасида 6500 нафар фуқаролар иштирок этишди. 14 август куни Боболочин ва Истиклол маҳалла фуқаролар йиғинлари 13-мактаб биносида, 21 август куни Чуқирли ва Исломобод маҳалла фуқаролар йиғинлари 30-мактаб биносида “Кексаларни эъзозлаш–улуғ қадрият” шиори остида маҳалла ёшлари билан кекса авлод вакиллари иштирокида учрашув ва концерт дастури тадбири ўтказилди. Тадбир якунида спорт ўйинлари ҳам ўтказилди. Кексаларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилашда уларга ёрдам бериш, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари ва ногиронларининг туғилган кунларини тантанали нишонлаш учун туманнинг маҳалла фуқаро йиғинлари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари кучи билан "Нуронийлар эъзозимизда" патронаж ёшлар ҳаракатини ҳамда ҚВП ларда уларнинг соғлигини назорат қилишда патронажлар кексалар, 12 нафар меҳнат ва уруш фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Тумандаги ХТМФМТ ва ТЭБга қарашли барча умумий ўрта таълим мактабларида “Кексалар оила чироғи” мавзусига бағишланган ўқув соатлари ташкил этилди. Таълим муассасаларида “Ғамхўрлик” гуруҳлари тузилиб, 1941-1945 иккинчи жаҳон уруши қатнашчи кексалар ҳолидан хабар олинди, уларнинг уй-юмушларига кўмак беришдилар. Жумладан, 48-37-27-23-36-33-умумий ўрта таълим мактаблари “Ғамхўрлик гуруҳи” тузилиб, кексалар ҳолидан хабар олинди. 2015 йил 30 июн куни тумандаги 11-сонли мусиқа ва санъат мактабида “Кексаларни эъзозлаш – улуғ қадрият” шиори остида “Маҳалланинг энг ораста қизлари” туман тадбири ўтказилди. Бу тадбирда 8 та ҚФЙ ва шаҳар МФЙларидан жамоалар иштирок этишдилар. Жами 68 нафар ораста қизлар иштирок этди. Бу “Оқжар” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ораста қизлар жамоаси ғолиб деб топилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2015 йил апрел-май ойлари умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасида “Кексаларни эъзозлаш йили”га бағишланган энг яхши иншо танлови ташкил этилди. 15 июл куни “Ёзни Камалак билан” лойиҳаси асосида еробод тумани Шалқон қишлоғида жойлашган “Сурхон пармалаш ишлари” ҳиссадорлик жамиятига қарашли “Нефтчи” болалар оромгоҳида тадбир ўтказилди. Бу тадбирда мусобақалар ташкил этилди ва эсдалик совғалар топширилди.

16 октябр куни 11-сон санъат ва мусиқа мактабида “Кексаларни эъзозлаш – энг улуғ қадрият” шиори остида “Ораста қизлар давраси” кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Бу кўрик-танловда йўриқнома асосида 12 нафар қизлар вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди ва фахрли 2-ўринни эгаллаб қайтишди. 9 май Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан “Қумқўрғон садоси” туман газетасида “Фахрийларга эҳтиром” ва “Уч авлод учрашувлари” мавзусида мақолалар чоп этилди. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги кенг нишонланди. Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотландилар. 3 декабр куни кексалар ҳолидан хабар олинди. 29 декабр куни янги йил муносабати билан 12 нафар кексалар ҳолидан хабар олинди совғалар улашилди. Тумандаги 100 ёш ва ундан катта ёшдаги кишиларни улуғлаш бўйича “Аср билан юзма-юз” тадбири ташкил этилди. Тумандаги 100 ёш ва ундан катта ёшдаги 9 нафар кекса кишилар ҳолидан хабар олинди. Жумладан, “Оқсой”, “Жозиба” ва “Умид ниҳоллари” маҳалласида яшовчи 100 ёшда бўлган қариялар ҳолидан хабар олинди ва совғалар улашилди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан 8 мартда 720 (етти юз йигирма) минг сўм, 936 минг сўм жами 1млн.656 (бир миллион олти юз эллик олти) минг сўм маблағ ажратилди. “Нуроний” жамғармаси туман бўлими томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари учун 3.390 (уч миллион уч юз тўқсон ) минг сўм маблағ ажратилди. Ҳомийлик ҳисобидан шундан бир нафари уруш қатнашчиси бўлганлиги 1млн. 50 (бир миллион эллик) минг сўм миқдорида телевизор ажратилган.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2015 йил 3 июль куни “Биз-буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида тумандаги “Ачамойли”, “Боботоғ”, “Боймоқли”, “Арслонбойли”, “Кўганли”, “Оқтом”, “Каттакўл”, “Шерозий”, “Ғалаба”, “Жалоир”, “Уяс”, “Боболочин”, “Янгиавлод”, “Навбахор”,

“Боғара”, “Пахтаобод”, “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинларида М.Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри таниқли санъаткорлари ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг бадиий жамоаси, шунингдек, ёзувчи ва шоирлар, иқтидорли талабалар иштирокида “Ватан келажагига менинг хиссам!”, “Тинчилигимизни асраб авайлайлик” шиори остида концерт дастурлари ва учрашувлар ўтказилди.

14 август куни тумандаги “Улуғбек”, “Янги шаҳар”, “Боболочин” ва “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Маннон Уйғур” номидаги вилоят мусиқали драма театри хонандаси Б.Чоршанбиев, Д.Бердиева, журналист, ёзувчи Қ.Абдуллаев, “Заравутсой” жамоатчилик маркази раҳбари А.Холмирзаевлар иштирокида “Тинчлик ва барқарорлик – буюк неъмат” шиори остида маданий-маърифий тадбир ва концерт дастурлари ташкил этилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 26 ноябр “Турон” тўйхонасида “Ибрат мактаби” уч авлод учрашуви ўтказилди. Бу учрашув телевидение орқали ёритилди. 10 ноябр куни туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китобининг тақдими бўлиб ўтди. 4 декабр куни 11-сон санъат ва мусиқа мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан “Конституция мамлакат таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим асоси” мавзусида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ артистлари билан учрашув ўтказилди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2015 йил 18 май куни “Ораста қизлар” тўғарақларида жорий йилнинг 11 майдан 16 майга қадар “Китобхонлик ва мутолаа маданияти” мавзуида ўтказиладиган ҳафталик машғулотлар йўриқномаси асосида тумандаги 70 та умумий ўрта таълим мактаблари, 11 та касб-хунар коллежлари қошидаги “Ораста қизлар” тўғарағи иштирокчилари ўртасида китобхонликни, китобни саралаб ўқиш маданиятини тарғиб қилиш, сингдириш ва мустаҳкамлашда тўғарақ фаолларининг салоҳиятидан кенг фойдаланиш, ўқувчиларни, айниқса қизларни китобга бўлган мухаббатини кучайтириш, бадиий жихатдан юксак асарларни ўқишни тарғиб этиш орқали “Оммавий маданият” ҳамда интернет хуружларидан ёшларни асраб қолиш, ёшларга шахсий кутубхона ташкил этиш ғоясини сингдириш, оилада китобга бўлган меҳрни тарбиялаш, китоблар тўпламини қизлар сарпосидан мунтазам ўрин топишини урф-одатга ҳаёт тарзига айлантириш мақсадида ўтказилди.

Хафталикнинг ҳар бир кунида яъни, беш кун давомида 1 тадан китоб яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият–енгилмас куч» асари, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девни миниб» асари, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асари, Антуан Де Сент-Экзюперининг «Кичик шахзода» асари ҳамда Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Сайланма» китоблари батафсил мутолаа қилиниб, олтинчи кун ушбу китобнинг мазмун моҳияти юзасидан савол-жавоб, мунозара ва муҳокамалар тарзида ўтказилди. Ўтказилган ҳафталикда ўқув муассасанинг директори ҳамда маҳалла диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамкорлигида назоратга олинади ва қўллаб-қувватланди. Ушбу якуний тадбирда “Ораста қизлар” тўғарагининг фаол етакчи қизлари ўқиган китоблари ва умуман китоб ўқишга бўлган муносабат ҳақидаги фикрларни баён этдилар. Тумандаги 70 та умумий ўрта таълим мактаблари, 11 та касб-хунар коллежлари қошидаги “Ораста қизлар” тўғараги иштирокчилари ўртасида саралаб олинган 2-3 нафардан ўқувчилар жами 210 нафарни ташкил этиб тумандаги тадбирда иштирок этишди.

Туман ҳокими томонидан тасдиқланган штаб таркибида туман ҳокимининг ўринбосари З.Дагарова, "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Б.Менглибоев, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Т.Ўрозов, "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши раиси ўринбосари С.Қудратов, бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Ш.Қурбонов, тумандаги барча касб-хунар коллежлари директорлари ва туман тижорат банк раҳбарларидан иборат.

2015 йил 13 май куни 11- сонли мусиқа ва санъат мактабида Тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларни ташкил этиш, касб-хунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматидан фойдаланиши ҳақида “Инсон манфаатлари – олий кадрият” мавзусида семинар ўтказилди.

Тумандаги касб-хунар коллежи ётоқхоналарида истиқомат қилаётган ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ишлари олиб борилмоқда.

2015 йил давомида жами ўтказилган текширувлар (рейдлар) сони 22 тани ташкил этади. Жами тадбирларга 7 нафар ходимлар жалб этилиб, шундан 1 нафари туман комиссия маъсул котиби, маънавият тарғибот маркази раҳбари, 3 нафари ички ишлар бўлими ходимлари, 1 нафари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ташкил этади. Маҳалалалар ҳамда меҳнат жамоаларида эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар

ўртасидаги никохларнинг салбий оқибатлари, уларни инсон соғлигига зарари тўғрисида доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, 16 апрел куни Сайхон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида “Эрта никохнинг салбий оқибатлари ҳақида ва эрта туғруқ” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Касб-хунар коллежининг давомати мониторинг қилинди. 18 сентябр куни Қорсақли хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида Миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида йиғилиш ўтказилди. Ўқитувчи ва ўқувчиларга ИШИД видеофилми намойиш этилди.

#### **2.4. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ютуқлар**

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2015 йилнинг феврал ойида давомида хотин-қизлар ўртасида спортнинг “Стол тенниси”, “Шохмот”, “Дартс” турлари бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Ғолиблар вилоят босқичида фаол иштирок этиб, “Стол тенниси” бўйича Г.Суюнова фахрли 2-ўринни эгалади. 2006-2007-2008-2009 йилларда туғилган қизлар ўртасида март ойида спортнинг бадий гимнастика тури бўйича туман биринчилиги ўтказилиб, ғолиб қизлар 3 март куни ўтказилган вилоят босқичида ҳам фаол иштирок этиб қайтди. 2015 йил 27 май куни Болалар спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган “Аёллар спорт фестивали”нинг туман босқичи ўтказилди. Бу мусобақада корхона, ташкилот ва маҳалладаги 187 нафар аёллар иштирок этидилар. 24 июн куни Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли Сурхон сузиш ҳавзасида “Соғлом аёл – Соғлом жамият” шиори остида 12-15 ёшли қизлар, 60-80 ёшли аёллар ўртасида синхрон сузиш мусобақаси ўтказилди. 27 ноябрда Болалар спорт мажмуасида “Гимнастика ҳамма учун” 50 ёшли аёллар ва 10 ёшга қадар бўлган қизлар ўртасида гимнастрада бўлиб ўтди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида “Маҳалла”жамоат фонди туман бўлими, Маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Камолот”ЁИХ туман Кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида 2015 йил 6 ойи давомида маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Отам, онам, мен-спортчилар оиласи”,

“Футболимиз келажаги”, “Махалламиз пахлавонлари” спорт мусобақалари, “Шахмат-шашка” турнирларини ташкил этилди. “Наврўз” умумхалқ байрами, муносабати билан спортнинг шохмот-шашка тури бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Мусобақа ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. 2015 йил 27 май куни Болалар спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган “Аёллар спорт фестивали”нинг туман босқичи ўтказилди. Бу мусобақада корхона, ташкилот ва маҳалладаги 187 нафар аёллар иштирок этишдилар. 24 июн куни Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли Сурхон сузиш ҳавзасида “Соғлом аёл – Соғлом жамият” шиори остида 12-15 ёшли қизлар, 60-80 ёшли аёллар ўртасида синхрон сузиш мусобақаси ўтказилди. 27 ноябрда Болалар спорт мажмуасида “Гимнастика ҳамма учун” 50 ёшли аёллар ва 10 ёшга қадар бўлган қизлар ўртасида гимнастрада бўлиб ўтди

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида 17 феврал куни спортнинг “Стол тенниси”, “Шохмот”, “Дартс” турлари бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Мусобақада маҳаллалардан ва ўқув муассасаларидан 119 нафар хотин-қизлар иштирок этди. Ғолиблар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан мукофотланди. Ғолиб иштирокчилар вилоят босқичида фаол иштирок этиб, стол тенниси бўйича Муродова Гулнора фахрли 2-ўринни қўлга киритиб қайтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида 2015 йил 17 феврал куни соат 9-00 да Болалар спорт мажмуаси залида хотин-қизлар ўртасида спортнинг “Стол тенниси”, “Шахмат”, “Дартс” турлари бўйича спорт мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Тадбир Низом асосида коллеж укувчилари, коллеж ўқитувчилари, уй бекалари ва корхона ва ташкилотда ишлаётган аёллар ўртасида спортнинг стол тенниси, Шохмот, Дартс турлари бўйича 10-35 ёш ва ундан катта ёшгача бўлган 119 нафар хотин-қизлар иштирок этди. Ғолиблар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан мукофотланди. Ғолиб иштирокчилар вилоят босқичида фаол иштирок этиб,

стол тенниси бўйича Муродова Гулнора фахрли 2-ўринни қўлга киритиб қайтди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 8 -март Хотин-қизлар куни байрами муносабати билан 24 феврал куни Болалар спорти мажмуасида 2006-2007-2008-2009 йилларда туғилган ўқувчи қизлар ўртасида спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича туман биринчилиги ўтказилди, ғолиб чиққан 4 нафар спортчи қизлар 3 март куни ўтказилган вилоят босқичида фаол иштирок этиб 2-ўринни қўлга киритди.

15 март куни “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан “Алпомиш” ўйингоҳида хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида миллий спорт ўйинлари арқон тортиш, кураш, чиллак, варрак учириниш ва шу каби бошқа спорт мусобақалари ташкил этилди. Фаол иштирокчилар хомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. 2015 йил 24 июн куни тумандаги 7-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли “Сурхон” ёпиқ сузиш ҳавзасида 12-15 ёшли қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича, 60-80 ёшли аёллар ўртасида сузиш бўйича мусобақа ўтказилди.

Шеробод тумани Шалқон қишлоғида жойлашган “Сурхон пармалаш ишлари” ҳиссадорлик жамиятига қарашли “Нефтчи” болалар оромгоҳида 15 июл куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, болалар спорт жамғармаси туман бўлими ва мудрофага кўмаклашувчи ватанпарвар ташкилоти билан биргаликда тадбир ўтказилди. Бу тадбирда мусобақалар ташкил этилди ва ғолиб жамоаларга эсдалик совғалар топширилди.

2015 йил 28 декабр куни Янги йил муносабати билан спорт билан мунтазам шуғулланадиган 900 нафар ўқувчи-қизларимиз замонавий спорт кийимлари билан таъминланди.

## **2.5. Маданият ва спорт аҳолининг маънавий юксалишининг манбаи**

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида таниқли механизатор, техника соҳасида ёшлар мураббийси Маматқобилов Эсон 1969 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумини тугатиб, Қумқўрғон туманидаги МТП да меҳнат фаолиятини

давом этириб, 1969-2005 йилларда Н.Мирзаев жамоа хўжалигида техник-механик бўлимида хизмат қилди. Шунингдек, колхознинг спорт ишларида ҳам фаол иштирок қилиб, ”Лочин” футбол командасида иштирок этди.

Туман спортининг ривожига муносиб ҳисса қўшган Менгнароров Мамадамин 1962 йилда Деновдаги Ҳазорбоғ қишлоқ хўжалик техникумини тугатиб, Қумқўрғон туманидаги “Лочин” футбол жамоасида фаол иштирок этди. Туман маданиятининг ривож топишида муносиб ҳисса қўшган Номозов Жўра 1980 йилда Термиз Мусиқа техникумини тугатди. Меҳнат фаолиятини 1986 йилда бошлаб, 2010 йилгача туман маданиятининг юксалишида фаол иштирок қилиб, “Фольклор” ансамблини тузиб, туман маданияти ютуқларини республика миқёсида танилишига раҳбарлик қилди.

Туман ёшларини жисмоний камолотига етишишида алоҳида хизматлар қилган устоз Каримов Равшан 1978 йилда Қумқўрғон касб-ҳунар ўқув юртини тугатиб, ёшлигидан туман спорти ривожига муносиб ҳисса қўшиб, спортнинг барча турлари йўналишида юзлаб шогирдларни тайёрлади. Таниқли тилшунос ва адабиётшунос педагог, етук маориф фидойиси Бобомуродов Эргаш 1982 йилда Россиянинг Саратов шаҳридаги Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти бўлимини тугатиб, меҳнат фаолиятини Қумқўрғон туманидаги 9-ўрта мактабда бошлади. 1992-2015 йилларда мактабда тажрибали ўқитувчи, ёшлар спортининг ривожига муносиб иштирок қилган устоз сифатида халқимиз ҳурматиغا сазовор бўлди.

Ёш таниқли спортчи Ортиқова Бахтинисо Бойқобиловна 2006 йилда Қумқўрғон Енгил-саноат коллежини тугатиб, “ТойиВЭНДО” йўналиши бўйича етук спортчи. 2008-2015 йилларда “Миллий кураш” ҳамда “ДЗЮДО” йўналишида республика миқёсидаги спортчи. Таниқли спортчи Чориев Абдусаттор Исмоилович 1973 йилда Тошкент физкультура институтини имтиёзли томонлаб, меҳнат фаолиятини 1978-1989 йилларда “Қизил-Октябрь” колхозида Бош тренер бўлиб бошлади. Қумқўрғон тумани



спортининг муносиб юксалишида фаол иштирок этиб, минглаб шогирдларни тайёрлашда устоз деган буюк номга сазовор бўлди.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2004 йил март ойида қурилиши бошланган Қумқўрғон шаҳридаги Олимпия захиралари спорт мажмуасида юзлаб ёшлар мунтазам равишда спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. 2006 йилда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари республика босқичининг асосий баҳслари айнан шу мажмуада ўтказилди. Қумқўрғонда янги замонавий болалар спорт иншооти қурилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали маблағи ҳисобидан 2005 йилда 3 та янги спорт иншооти қурилди. Янги 8 та мактабда спорт зали, Қумқўрғон шаҳрида гимнастика зали ҳамда сузиш ҳавзаси бунёд этилди.

Қумқўрғон туманида энг йирик илм ва маърифат ўчоғи саналган марказий кутубхонада нафақат ўзбек ва рус тилларида, балки инглиз, немис, француз ва араб тилларидаги адабиётлар ҳам мавжуд. Кутубхонада компьютер хизмати яхши йўлга қўйилган, кўпгина адабиётлар электрон каталогларга киритилган.<sup>6</sup>

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида Қумқўрғон туманида 13 та кутубхона аҳолига хизмат кўрсатди. Қумқўрғон марказий ахборот-кутубхона маркази, ахборот маданий ва маърифий муассасаси, бош китоб хазинаси услубий марказ сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381-сонли

---

<sup>6</sup> ЎзР МДА фонди. М-7. 1-рўйхат. 394-йиғма жилд. 3-4-варақлар.

қарорининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича фаолият олиб борди<sup>7</sup>

Юқорида таъкидланганидек, маданий ривожланиш жараёнида маданий-маърифий муассасаларнинг фаолияти республикамизнинг барча жойларида ҳамда шунингдек Қумқўрғон туманида ҳам намунали ташкил этилган. Бу тадбирларнинг барчаси келажак авлодни мамлакат нуфузини кўтаришга қодир шахслар этиб тарбиялашга қаратилган.

Битирув малакавий иш Сурхон воҳасида маданий ҳаёт соҳасида халқ таълим йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Президентнинг 381-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ кутубхоналари тумандаги 11 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ихтиёрига ўтказилди. Кутубхоналар йириклаштирилди, натижада тизим бўйича 1 та ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Халқ таълими бўлимларидаги кутубхоналар 15 та ахборот-ресурс марказларига бирлаштирилди.

**Қумқўрғон туманида** маданий ва маърифий масканларнинг 2002-2005 йиллардаги фаолияти тадқиқ этилганда 2003 йилда “АКСЕЛС” халқаро ташкилотининг “Ўқишга аълочилик дастури” танловида ғолиб чиққан вилоят ўқувчилари ўқишини хорижда давом эттирмоқдалар. 2004 йилда “АЙРЕКС” Халқаро ташкилотининг “Бутун олам сизнинг синфингизда” танловида туман ўқувчилари республикада етакчи бўлишди. Клуб ва маданият уйларида ўринлар сони ошиб бормоқда. Оммавий кутубхоналар сони ошган бўлса-да, улардаги китобларнинг сони 2002 йилга нисбатан камайиб борди. Бунинг асосий сабаби эски чоп этилган адабиётларни кутубхона фондидан олиб, янгиси билан таъминлашга улгурилмаганлигидир. Шундай қилиб,

---

<sup>7</sup> Адиб Собир Термизий номли Ахборот – кутубхона марказининг жорий архиви. Адиб Собир Термизий

Қумқўрғон туманида маданий ривожланиш жараёнида маданий-маърифий муассасалар юқори даражада фаолият юритди. Бу соҳада турли ташкилот ва муассасалар ўз ишларини олиб бормоқда. Мазкур йўналишдаги чоратадбирлар негизида халқ онгида Она Ватанга муҳаббат ва садоқат, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни асраш каби ҳис-туйғуларни уйғотишдек эзгу мақсадлар туради. Бу мақсадга эришиш учун жамиятимизнинг барча қатламлари, айниқса, зиёлилар масъулдирлар. Шу нуқтаи назаридан туманда “Ёшлар маркази” барпо этилган, унда “Камолот” ЁИХ бўлимлари ва уларнинг қошида тузилаётган марказлар корпоратив тизим орқали боғланади. Бу ердаги ахборот таҳлил гуруҳи 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг муаммолари бўйича туманлар, қишлоқлар миқёсида маълумотлар базасини яратган. Марказ жамиятимизнинг ўзига хос, ўзига мос йўлининг моҳиятини, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий хусусияти ва тенденцияларини, ташқи сиёсатимиз мазмунини Президентимиз асарлари асосида ўрганишда ёшларга кўмаклашмоқда. Марказ ёшлар ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш (бандлик, бизнес билан шуғулланиш, истеъмол ва уй-жой қуриш, таълим учун кредитлар олиш ва ҳ.к.), шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ўз имкониятларини юзага чиқариш (илмий–техник ижодкорлик, санъат ва адабиёт, гуманитар фанлар йўналишлари бўйича), тенгдошлари билан маънавий-тарбиявий ташкилотчилик ишлари олиб бориш ва бошқа кўплаб замонавий тараққиёт масалалари билан шуғулланмоқда.

Ҳозирги мураккаб дунёнинг азалий ва абадий масаласи, ҳар бир даврнинг долзарб муаммоларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно ва мазмун билан бойиб боради. “Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир кўрсатади”.

Мамлакат фуқароларининг маънавий-маърифий жиҳатдан шаклланишида жойлардаги маънавий-маърифий муассасалар муҳим ўрин тутмоқда. Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида маданий-маърифий муассасалар фаолиятида диққатга сазовор ишлар амалга оширилган. Мустақиллик йилларида шаҳарларда маданий-маърифий йўналишда мукамал ислохотлар ўтказилиб, шаҳарларнинг маънавий қиёфасини замонавий усулда ўзгартириш соҳасида ижобий ишлар амалга оширилди.

Жаҳон андозаларига мос, чиройли, кўркам ҳамда мукамал электрон компьютер ва видео-мульти программалаштирилган Ахборот ресурслар марказлари пайдо бўлиб шаҳар аҳолисига маданий йўналишда хизмат кўрсатадиган кутубхоналар тизими шакллантирилди. Қумқўрғон туманида ҳамда шаҳарчаларда кўркам замонавий Ахборот ресурс марказларининг ишга туширилиши ёшларнинг талаб эҳтиёжлари асосида хизмат кўрсатиш турларининг яратилиши натижасида кундалик маълумотларни олиш, нашр этилган китобларнинг электрон моделларини ўқиш имкониятлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Сурхондарё вилоятидаги шаҳарларни умумий ҳолатига 2002 йилги маълумотлар асосида эътибор берилса Қумқўрғон шаҳрида кутубхоналар сони 10 та, ходимлар сони 65 тани ташкил этди.<sup>8</sup>

Сурхондарёнинг истеъдодли усталари, муסיқачилари, шоирлари, кўшиқчилари, раққос ва раққосаларининг маҳорати аجدодларнинг тарихий-маданий мероси асосида сайқал топмоқда. Қумқўрғон туманида турли тадбирлар ўтказиладиган маърифий-маданий марказга айланиб бормоқда.

---

<sup>8</sup>. Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти рақамларда. 1991-2002 йиллар. Термиз. 2004.

Қумқўрғон шаҳрида болалар қўғирчоқ театри ҳамда ҳаваскорлар театри, қатор клублар, санъат саройлари, кинотеатрлар, кўплаб ашула ва рақс гуруҳлари, фольклор-этнографик дасталари фаолияти учун шарт-шароит мавжуд. Қумқўрғон туманида миллий қўшиқ ва рақс санъати ривожига катта эътибор қаратилди. Масалан, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган “Соғим қўшиқлари” (“Хўш-хўш,” “Турей-турей” ва “Чурст-чурс”) соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни ийдириш мақсадларида кенг қўлланилган рақс кўринишлари барча туманларда байрам тадбирларида олқишларга сазовор бўлган, ҳатто республика миқёсида уюштирилган “Наврўз” байрам тантаналарида ҳам мухлислар томонидан яхши кутиб олинган.

Туманда 3 та сузиш ҳавзаси, 2 та теннис корти, 14 та очиқ теннис корти, 20 та волейбол, 16 та баскетбол майдончаси ҳамда қўл тўпи бўйича 10 та майдонча ва бошқа спорт майдончалари мавжуд. Туманда спорт кўмитасининг иккита спорт мактабида футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, кураш, эркин кураш, каратэ ва спортнинг бошқа турлари бўйича тўғараклар ташкил қилинган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси соврини учун 2001 йил 17-20 майда ўтказилган кураш бўйича республика чемпионатида сурхондарёлик йигит-қизлар биринчи ўринни эгаллашди. Ўзбек курашининг бутун жаҳонда тобора оммалашиб боришида сурхондарёлик мутахассислар ҳамда спортчиларининг хизмати жуда катта.

Қумқўрғон тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими туман ҳокимининг 2004 йил 12 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 455-сонли қарори ҳақидаги 482-сонли қарори асосида ташкил этилган. Қумқўрғон туманида 2003 йилдан буён маданият ва спорт ишлари бўлими

бошлиғи Абдуллаев Маматқосим Бўриевич 2003 йилдан буён ишлаб келмоқда. Бўлим туман ва вилоятда ўтказилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ҳамда оммавий тадбирларда туман жамоалари иштирок этиб келмоқда.

Жумладан, 2004 йилда Н.Мирзаев номли ва С.Бойматов номли ширкат хўжалиklarининг фермер хўжалиklarига айлантирилиши муносабати билан ушбу хўжалиklarдаги маданият уйи бинолари бўлим тасарруфига олиниб, ҳудуддаги ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ва мароқли ўтказишни таъминлаш мақсадида ушбу биноларда турли маданий ва спорт тўғараклари ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-640-сонли қарорига мувофиқ 2013 йил “Янгиер” қишлоқ маданият уйи қошида пулли хизмат кўрсатиш ҳисобидан 1 та “боғбон” иш ўрни яратилди.

2013 йилда эса ушбу қарор асосида марказий маданият уйида 1 нафар “суратчи” иш ўрни ташкил қилинди. 2004-2010 йиллар давомида 15 миллион сўмликдан ортиқ ҳомийлик ёрдамлари ташкил этилиб, бўлимдаги маданият уйлари ва клубларига миллий мусиқа (доира, карнай, тор, қашқар рубоби) ва бошқа чолғу асбоблари олиб келинди, 120 комплектдан ортиқ сахна либослари тайёрланди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими ходимлари ташаббуси билан 2008 йилдан буён туманда 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида “Янги овозлар” кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Қумқўрғон туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфида 8 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ҳамда 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказий маданият ва аҳоли дам

олиш маркази директори Менгноров Маманазар Ишмўминович. Ушбу лавозимда 1989 йилда буён ишлаб келмоқда.

Қумқўрғон туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфида қуйидаги 8 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари мавжуд: жумладан, Марказий маданият ва аҳоли дам олиш; Шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш; “Жалоир” маданият ва аҳоли дам олиш; “Янгиер” маданият ва аҳоли дам олиш; “Ўзбекистон” маданият ва аҳоли дам олиш; “Гултепа” маданият ва аҳоли дам олиш; “Сайхон” маданият ва аҳоли дам олиш ҳамда “Янгиқишлоқ” маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолият кўрсатди.

Ушбу маданият уйларида жами бўлиб 38 тадан зиёд турли хил тўғараклар бўлиб унда 580 дан зиёд тўғарак иштирокчилари мавжуд, шунингдек 7 та бадий ҳаваскорлик жамоалари ва 1 та намунали болалар фольклор этнографик жамоалар ўзининг фаоллиги билан ажралиб турди. Республикамиз миқёсида ўтказиладиган “Ягонасан Муқаддас Ватан” республика кўрик-танловида 2014 йил тумандаги Гултепа маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Б.Мусиров вилоятда биринчи ўринни олиб, республика босқичида иштирок этди.

Марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўғарак иштирокчиси Тошкент давлат “Глиэр” номли мусиқа академияси ўқувчиси Адҳам Рихсиев 2014 йил ўтказилган “Ниҳол” мукофотига номзодлар кўрик-танловида иштирок этиб вилоят босқичи ғолиби бўлди ҳамда вилоят босқичида ҳам 1-ўринни эгаллаб танловнинг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Республика миқёсида ўтказилган “Онам айтган аллалар” кўрик-фестивалида туман маданият ва спорт ишлари бўлими жуда муваффақиятли иштирок этди. Фестивалнинг вилоят босқичи ғолиби бўлиб республика босқичида маданият ва спорт ишлари вазирлигининг дипломи ва кимматбаҳо совғалари ҳамда “Онам айтган аллалар” кўрик-фестивалининг

махсус совғаси, шунингдек фестивалнинг “Фахрий ижрочи” номинацияси ғолиби бўлди.

2015 йил 14 апрель куни ёшларнинг миллий ва жаҳон рақс санъатига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлик завқи” номли балет ва замонавий рақс ижрочилари фестивалининг туман босқичи ўтказилди. Фестивалда марказий маданият ва аҳоли дам олиш марказидан “Чарос” бадиий эстрада рақс гуруҳи 1-ўринни олиб вилоят босқичида иштирок этди ва вилоятдан номинация бўйича ўрин олиб Республика босқичига қатнашиб маданият ва спорт ишлари вазирлигининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланди.

2015 йилда йил Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловда Гултепа маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори вилоят босқичида фахрли биринчи ўринни олиб Республика босқичига йўлланма олди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шомуров Зокир 1989 йилдан буён ушбу мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда. Шомуров Зокир ўзининг меҳнат фаолияти давомида кўплаб ютуқларга эга бўлди.

Хусусан, 2013 йил “Хизмат кўрсатган спорт устози” унвонига эга бўлди. 2005 йилда мактаб ўқувчиси Дилноза Ғаниева Таэквандо ВТФ Корея ОПЭН турнири ғолиби бўлди. 2006 йил мактабнинг кураш бўйича ўқувчиси Шухрат Муродов Туркияда ўтказилган жаҳон чемпиони ғолиби бўлди. Ушбу мактаб ўқувчиси Абдулла Холияров 2009 йил Ал Хаким Ат Термизий хотира турнири ғолиби бўлди. Шунингдек, шу йил Украина давлатида ўтказилган жаҳон чемпионатида мактаб ўқувчиси Сохибжамол Холиқулова жаҳон чемпиони бўлди.

2014 йил Туркия давлатида ўтказилган Таэквандо Туркия ОПЭН турнирида мактаб ўқувчиси Менглибоева Озода турнир ғолиби бўлди. Шунингдек, мактаб ўқувчиси Хикмат Тўраев 2014 йил спортнинг ДЗЮ-ДО



тури бўйича Хитой тайпейи ва Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирлар ғолиби бўлди. Марказий маданият уйи “Нефтчилар” маҳалласи ҳудудидаги икки қаватли махсус қурилган бинода жойлашиб, маданият уйи 400 ўринли томоша зали ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўғараклари учун етарли даражада тўғарак хоналари мавжуд. Маданият уйи қошида “Сурхон тонги”бадиий ҳаваскорлик жамоаси фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

“Жалоир”қишлоқ маданият уйи Н.Мирзаев фермерлар уюшмасидаги “Боболочин”маҳалласи ҳудудидаги махсус қурилган бинода жойлашган. Қишлоқ маданият уйи 400 ўринли томоша залига ва тўғараклар учун 4 хонага эга. Маданият уйи қошида “Маҳлиё” намунали болалар фольклор этнографик жамоаси республикада таниқли жамоага айланди. “Янгиер” қишлоқ маданият уйи С.Бойматов фермерлар уюшмасидаги “Янгиер”маҳалласи ҳудудидаги махсус қурилган бинода жойлашган. Қишлоқ маданият уйи 400 ўринли томоша залига ва тўғараклар учун 8 хонага эга. Маданият уйи қошида “Боботоғ гуллари”бадиий ҳаваскорлик жамоаси энг намунали жамоа сифатида республикада эътироф этилди.

“Гултепа” қишлоқ клуби “Гултепа” маҳалласида мослаштирилган бинода жойлашган. Клубда 4 та тўғарак ва 1 та “Наврўз” эстрада гуруҳи аҳолига маданий хизмат кўрсатиб келмоқда. “Сайхон,” ”Ўзбекистон” ва ”Янгиқишлоқ” қишлоқ клубларида ҳам 4 тадан тўғарак ва 1 тадан бадиий ҳаваскорлик жамоалари ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишида фаол иштирок этиб, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлимида миллий қадриятларимизни асраб авайлаш бўйича ишлар амалга оширилиб, туманда ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари йўналиши бўйича марказий маданият уйи хор мейстери Баҳшиқул Тоғаев раҳбарлигида бахшичилик тўғараги ташкил қилинди. Тўғаракда 10 нафардан зиёд иштирокчилар мавжуд.

Ижрочилик санъати йўналиши бўйича ”Янгиқишлоқ” маҳалласидан Хўжамкулов Майраммомо ва “Гултепа” маҳалласидан Муродов Фаррух (чанқовузчи), “Боболочин” Омонтурдиева Зилола (раққоса), “Гултепа” маҳалласидан Мисиров Бозор (мақом), ”Жалоир” маҳалласидан Холмуродова Насиба (аллачи), ”Дўстлик” маҳалласидан Раҳмонова Назокат (лапар), ”Янгиқишлоқ” маҳалласидан Маҳамова Зумрад (келин-салом), ”Янгиер” маҳалласидан Чоршанбиеа Ойсанам (алла-лапар), “Гултепа” маҳалласидан Мамасоатова Саломат (алла-лапар)лар ижод қилиб халқимизнинг назарига тушиб, таниқли санъаткор сифатида эл-юрт хурматиغا сазовор бўлди.

Жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари йўналиши бўйича “Оқсой” маҳалласидан Хуррамов Ҳамрокул (дорбозлар сулоласи)лар ўз маҳоратларини кўрсатиб ижод қилиб, ўзбек дорбозларининг миллий анъанларини давом эттириб, халқимиз назарига тушдилар. Анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар соҳасининг йўналишлари бўйича “Янгиқишлоқ” маҳалласидан Хўжанов Тўлқин (темирчи), ”Жалоир” маҳалласидан Холмўминов Исмоил (хунарманд), ”Дўстлик” маҳалласидан Сафаров Илҳом (хунарманд), ”Нефтчилар” маҳалласидан Саидов Равшан (хунарманд), ”Гултепа” маҳалласидан Чориева Зиёда (гиламчи), Чориев Соат (темирчи) ва Соатов Шохрух (рассомчилик)лар номоддий маданий-меросимизни асраб-авайлаб авлодларимизга етказишга ўз ҳиссаларини қўшиб, ижодий салоҳиётга эга бўлиб, катта натижаларга эришдилар.

2015 йилда тармоқларда маҳаллалар билан ҳамкорликда номоддий маданий мерос яъни алла, ривоят ва шунга ўхшаш унутилиб борилаётган маданий мерос билан шуғулланиб келаётган истеъдод соҳибларини излаб топиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан Холмўминов Абдулла Бадалович хадислар тўплами, ривоятлар билан шуғулланиб халқимизнинг маънавий кадриятларини тиклаш ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб, ижобий

ютуқларга эришган бўлса, алла ва лапар бўйича Аннаева Зиннатлар унитилиб борилаётган ноёб маданий мерос билан шуғулланиб келмоқда. Марказий маданият уйи, Шахар маданият уйи, “Янгиер” ва “Жалоир” қишлоқ маданият уйларида, ҳамда “Ўзбекистон” қишлоқ клубларида номоддий-маданий меросимизни асраш ва келажак авлодга етказиш борасида “Миллий қадриятлар” номли кўргазмалар чиқарилди.

Бу кўргазмаларда асосан миллий тақинчоқлар, сўзана, зардевол, толтовоқ, толқошиқ, хапамат ва миллий қадриятларимизни акс эттирувчи кўргазмалар жой олган. 2015 йилда туманда қадимий ўланлар, ҳикоялар, масаллар ва ривоятлар айтувчилар билан суҳбат кечалари ташкил этилиб, бўлим тасарруфидаги “Гултепа” қишлоқ клуби мудирини Бозор Мисиров 2005 йил “Ўзбекистон” телевидениясининг “Оҳанрабо” телекўрсатувида ҳамда 2013 йил “Ассалом Ўзбекистон!” теледастурларида ўзининг “Жоним эрусан” ва “Фарғона насруллоси” каби кўшиқлари билан катта санъат зинапоясига қадам қўйди.

Бундан ташқари 2013 йил марказий маданият уйи ходими Эргашева Зебинисо “Ниҳол” мукофотида номзодлар кўрик-танловининг “муסיқа” йўналиши бўйича республика босқичида иштирок этди. Шоир Эшқобил Шукуров, Абдимажид Азимов, болалар ёзувчиси Д.Кўзиева, Я.Шоймарданов, Б. Яриев, М.Олламуродов, Ж.Аноров, А.Улуғов, олимлардан фан доктори, Қ.Жўраев, шунингдек олимлар Х. Бўриев, Э.Чориев, Ч.Алиқулов, Х.Холияров, А.Мусурмонов, Э.Бобомуродов, Шойдуллаев, Бойқобилов, Ёрматов, Жойлово, Жўраев, Каримов, Кўчаров, Махмудов, Оқбўтаев, Эронқул Сафаров, Сулаймонов, Тойлақов, Тожиев, Э.Шукуров, Қурбон Эшбоев, Холияров каби юзлаб иқтидорли олимларнинг, ижодкорларнинг номларини келтириш мумкин.

**Эшқобил Шукуров** Қумқўрғоннинг Боймоқли қишлоғидан 1985 йиллар ўрта мактабни тугаллаган. 5 синфдан шеър ёза бошлаган. 6 синфда

ёзган шеърлари туман ижодкор ёшлари орасида биринчи совринни эгаллаган. Бугунги катта ижод оламига киришда ушбу илк шеъри туртки бўлган бўлса не ажаб. Хозир Эшқобил Шукур Тошкент шаҳрида, Республика нашрларида фаолият кўрсатмоқда. Ижоди энг баркамол ёшда. Китоблари дунё юзини кўрган,эл севиб ўқимокда.

**Алламуратов Менгнор Мамаюсупович** Қумқўрғоннинг машхур Боймоқли қишлоғида туғилган. 2004 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган. Умумий иш стажи 39 йил. 2010 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари ҳамда ўриндошлик асосида 2014-2015 йиллардан “Термиз оқшоми” газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчиси лавозимида ишлади. Алламуратов Менгнор Мамаюсупович томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими томонидан сўнгги уч йил ичида тубдан ўзгаришлар амалга оширилиб, 2012 йилда 30 та тадбир ўтказилган бўлса, 2013 йилда 75 та, 2014 йилда 131 та тадбир ташкил этилди.

2012 йилги тадбирларда кўпроқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари қатнашган бўлса, кейинги йилларда тадбирларга фаол ижодкорлар, ёш истеъдодларнинг ҳам қатнашишларига эришилди. 2010-2012 йилларда, асосан ҳарбий қисмларда мактаб ва коллежларда учрашувлар ташкил этилган бўлса, 2013-2014 йилларда буларга қўшимча тарзда узок туманларда, маҳаллаларда тадбир уюштиришга муваффақ бўлинди.

Алламуратов Менгнор Мамаюсупович раҳбарлигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими бадий адабиёт тарғиботи билан шуғулланиш, китобхонлар қалбида эзгуликни, миллий истиқлол, она Ватанга муҳаббат, буюк тарихимиз ва маданиятимиздан ифтихор, соғлом дунёқарашни шакллантириш, улар онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш руҳидаги етук бадий асарлар яратиш, нашр этиш ва тарғиб қилишни қўллаб-қувватлаш ишлари йўлга қўйилди. Унинг

бевосита раҳбарлигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлимида 15 нафар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси фаолият юритмоқда.

Жумладан, Республика даражасида ютуқларга эришган ижодкорлар: Шафоат Раҳматуллаев(махрум), профессор, уюшма аъзоси, «Истиқлол бонги» кўшиғи Республика Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмаси рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлди. 1999 йилда «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги байрам сценарийсини Усмон Азим билан бирга ёзди. Шоирнинг туркум шеърлари «XX аср ўзбек шеърляти антологияси»га киритилди. Жамила Эргашева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, уюшма аъзоси, 2013 йили «Ёшлик» журналининг 2, 3 ва 4 сонларида «Қир устидаги аёл» номли романи чоп этилганлиги учун «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик танлови ғолиби бўлди. Исмат Норбоев, уюшма аъзоси, 2011 йили Марказий Осиё тоғли худудларини барқарор ривожлантириш танловида «Тоғ ҳикоялари» билан биринчи ўринни олди ва бошқалар.

Алламуратов Менгнор Мамаюсупович ташаббуси билан 2012-2015 йилларда 236 та тадбир ўтказилди, жумладан: «Ватаннинг ҳар қарич тупроғи муқаддас», «Ватан ҳимояси ҳамманинг бурчи», «Ёш ижодкорлар Ватан меҳрида», «М.Юсуф – Ватан куйчиси», «Алишер Навоийнинг ўзбек адабиётидаги ўрни», «Наврўз яшариш ва янгилашиш байрами», «Ҳар кунимиз бўлсин Наврўз», «Наврўз ва истиқлол», «Ягонасан, муқаддасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида гузал Ўзбекистоним» ва бошқалар.

Тадбирлар асосан, учрашувлар, давра суҳбатлари тарзида ўтказилди. Улар натижасида китобхонлар фаоллиги ошди. Ёшларнинг маънавий савияси ўсди. «Юрт келажаги», «Ниҳол», «Юксак маънавиятли авлод», «Ягонасан, муқаддас Ватан» каби ўнлаб кўрик-танловларда ҳакамлар ҳайъати раҳбари

сифатида қатнашиб, истеъдодларга адолатли баҳо қўймоқда. Бу танловлар мактабларда, коллежларда ва университетларда ўтказилмоқда.

М.Алламуратов ўзининг жўшқин ва серқирра ижоди, фидойи ва ватанпарварлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан кенг жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган инсонлардан. М.Алламуратов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими масъул котиби ҳамдир. У Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, етук шоир, таниқли ёзувчи, эл қалбидан жой олган публицистдир.

Унинг “Юрагимда йиғлаб турган киз,” “Севги дарахтининг гули” ва “Ишқ қайғуси” шеърий тўпламлари ва “Арзимни ўғлимга еткар” тарихий киссаси ҳамда “Наврўз ёки сиз истаган келин келди” номли китоблари китобхонларга тақдим этилди. Ёзувчи “Арзимни ўғлимга еткар” тарихий киссасида, Сурхондарё вилоятидаги халқ қаҳрамонлари тақдири орқали Мустақилликнинг улуғ моҳиятини очиб берди. Шўро замони даврида хурузор бўлган, Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, халқнинг ҳақиқий фидойи фарзандлари бўлган Турсунбой ва Рамазонлар ҳаёти орқали озодлигимизнинг буюк неъмат эканлигини кўрсатди.

Республика ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан чоп этилган “Ким эдигу ким бўлди” публицистик мақолалар мажмуа китобига М.Алламуратовнинг “Улуғлардан улуғимсан, Ватаним” бадиий публицистикаси киритилди. Унинг асарларидаги воқеалар халқчиллиги, содда ва равон тилда баён этилиши билан китобхонни ўзига ром қилади. Бу замондошларимиз маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг қалбида она Ватанига, ватандошларига, ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатини оширишга хизмат қилади.

М.Алламуратов 2000-2007 йилларда Республика “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича махсус муҳбири вазифасида ишлади. Бу даврда қатор республика танловларининг ғолиби бўлди.

М.Алламуратов ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида ҳам сермазмун фаолият юритмоқда. У вилоятда ўтадиган “Юрт келажаги,” “Юксак маънавиятли авлод” ва “Ягонасан, муқаддас Ватан» ва бошқа қатор танловларда ҳакамлар ҳайъати раҳбари сифатида қатнашиб, адолатлилик намунасини кўрсатиб келмоқда.

Халқимиз орасидаги энг муносиб истеъдодларни топиб, уларни республика босқичларига юборди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда 2013 йилда “Сурхоннинг ёш ижодкорлари” китобини нашрдан чиқарди. Уни тайёрлаш, чоп эттириш билан асосан М.Алламуратов шуғулланди. Унда 81 нафар ёш истеъдоднинг шеърлари, ҳикоялари ўрин олди.

Шунингдек, М.Алламуратов Президентимиз қарорлари асосида ташкил этилган М.Юсуфнинг 60 йиллиги, Зулфияхонимнинг 100 йиллиги тадбирларида фаол қатнашиб келди. М.Алламуратов бундан ташқари, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари маънавий-маърифий тадбирларида юксак савияда қатнашиб, Ўзбекистонимизнинг таниқли шоири, ёзувчиси ва публицистидир. Унинг республикаимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётидаги олиб бораётган фаолияти таҳсинга лойиқдир.

Ҳозир жавоб публицист сифатида бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари билан республика ва вилоят матбуотида мунтазам иштирок этиб, вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, ижодкор ёшларни тарбиялаш билан бирга М.Алламуратов воҳа аҳлининг орасида алоҳида ҳурматга эга. Ишда ташкилотчи, катта ҳаётий тажрибага эга маънавий етук мураббий ҳисобланади.

Ижод билан шуғулланаётган ёш шогирдлари Барно Донаева, вилоятда «Йилнинг энг яхши ижодкори» танлови ғолиби, Манзура Парвоз Зулфия мукофоти совриндори 2015 йилда, Зилола Хушвақтова, Республика «Дўрмон –«Истеъдод мактаби» сертификати совриндори ва бошқалар. У ўзи

истиқомат қиладиган маҳалладаги барча тадбирларда фаол иштирок этиб, оилавий муносабатларда ўзининг маслаҳатларини бериб келаётган маҳалла фаолларидан бири сифатида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга. Ибратли оила бошлиғи, меҳрибон ота сифатида фарзандларига меҳр бериб, уларни халқимизга муносиб инсонлар қилиб тарбияламоқда.

**Менгнор Алламуратов** Ажойиб истеъдод соҳибларини тайёрлаб, республика бўйлаб ёяётган "қишлоқ-инкубация"нинг яна бир ажойиб истеъдод соҳиби. Шеър ўқиш қанчалик жон-дили бўлса, шеър ёзиш ҳам худди шундай. Жуда кўплаб шеър ва шеърый мажмуалар муаллифи. Бир нечта тарихий-биографик китобга ҳам муаллифлик қилган.

### **Қачон тирилурсан:**

Қачон тирилурсан қул бўлган Қакнус,  
Мен қачон учаман тўзган қанотим.  
Югураман аммо, мудроқман ҳануз,  
Қузғунлар еб тамом қилди тоқатим.  
Осмон кетиб борар сомон-йўлидан,  
Хайрона қарайман тилсиз ва йўлсиз.  
Довдир қизғалдоқнинг мунгли гулидай,  
Тупроққа узилиб, тўкилар афсус.  
Беҳиштлардан учган миллион оқ каптар,  
Адл дарахтларга келиб қўнади.  
Мавҳум нигоҳларим йўқликда қотар,  
Қора кўзларимда жоним тўнади.  
Гулзорнинг сўзида сулув, қасида,  
Майсанинг кўзида қўрқув, васваса.  
Ой-осмонга учиб кетган насиба,



Хар бир қабр-битта синган ризқ-коса,  
Қачон тирилурсан қул бўлган Қакнус.

1996 йил.

## **Болта Ёриев**

1941 йилнинг 1 июнида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон (ҳозирги Қумқўрғон) туманидаги Арслонбойи қишлоғида таваллуд топди. Ўрта мактабни битиргач, бир йил бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. Сўнгра, 1960-1965 йилларда Алишер Навоий номи СамДУнинг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил олди. Олий маълумот олгач, Сурхондарё вилоят газетаси таҳририятида адабий ходим бўлиб ишлай бошлади.

Умуман, Болта Ёриев бадиий-публицистик фаолиятини илмий-педагогик фаолият билан мунтазам қўшиб олиб борди. У вилоят газетаси таҳририятида адабий ходим, бўлим мудирини, муҳаррир ўринбосарини (1965-1990 йй), Денов туман газетаси муҳарририни (1988 й), ТерДУ газетаси муҳарририни (2002-2011 йй) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг маъсул котибинини (1993-199 йй), ТерДУ ўзбек тилшунослигини, нутқ маданияти кафедраларини катта ўқитувчинини, доцент, ўриндошлик асосида мактаб, коллеж, академик лицейларда ўқитувчинини, кафедра мудирини вазибаларини ишлади.

У журналистлар ижодий уюшмасини (1972), Ёзувчилар уюшмасини (1981 й) аъзосини, филология фанларини номзодини (1979 й), доцентини (1994 й). Намуналин фаолиятини учун вилоят ёшлар қўмитасини, 1983-1985 йилларда халқ бадиий ижодиётини Бутуниттифоқ кўрик, вилоят “Алпомиш” жамғармасини, “Сурхон тонгини” газетасини ташкил этган Теша Сайдалиев номи мукофотлар совриндорини, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатини, Ўзбекистон Журналистлар

уюшмаси, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда кўплаб бошқа ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Унинг асарлари кўплаб жамоавий тўпламларда чоп этилган, бир қатор ҳамкорликдаги китоблари мавжуд. “Боботоғ кўшиқлари” (1979 й), “Сенга севги изҳор қилган кун” (1990 й), “Кузда учган турналар” (1968 й), “Меҳрибон нигоҳ” (1998 й), “Қора олтин” ижодкорлари” (1990 й), “Алпомиш ва Нормўмин Сухроб” (1999 й), “Умидли дунё” (2001), “Кўнгил илинжлари” (2007), “Ҳайрат ва ғайрат” (2008), “Ёр ўтган кўчаларда” (2011), “Арслонбой гурунглари” (2011), “Бадий асар тили” (1999), “Ўзбек тили тарихи” (2006) ҳамда “Бахши шоир олами” (2013) ва бошқа китоблари чоп этилган. Бу асарлар чуқур инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғулари билан йўғрилгандир.

Болта Ёриев устоз ижодкор, сафдошлари ҳамда ёш ижодкорлар фаолиятига алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қарайди. Уларнинг ижодий ютуқларидан қувонади ва матбуот орқали ўз муносабатини билдиради. Унинг вақтли матбуот саҳифаларида ва илмий тўпламларда чоп этилган. Теша Сайдалиев, Холмирза Холиёров, Назар Тўраев, Менгзиё Сафаров, Норкул Ҳайитқулов, Исомиддин Отақулов, Раҳматулла Кўнғуров, Бекмурод Қодиров, Нормурод Нарзуллаев, Чори бахши, Хушбоқ бахши, Карим Маллаев, Янгибой Шоймардонов, Хушбоқ Холмўминов, Рўзикул Мустафоқулов, Саттор Маҳматқулов, Ҳамид Бадалов ва бошқа илм-фан ҳамда бадий ижод аҳли ҳақидаги мақолалари ана шундай ҳурмат ва эътиборнинг самраларидир. Бунга қўшимча равишда юзга яқин китобнинг турли нашриётлар орқали чоп этилишида муҳаррир ва тақризчи бўлиб қатнашгани, элликдан ортиқ китобга сўз боши ёзганлигини ҳам қўшишимиз мумкин.

Болта Ёриев “Посбон” шеърида лирик қаҳрамоннинг ёдгорлик тепасидаги уйлар орқали мангу бедор Она образини яратди ва Она билан Ватан тушунчаларини яхлит ҳолда шеърга нақш этади. Мақсадни ҳаётий

ушоқ лавҳа доирасида поэтиклаш, публицистик эҳтиросли товланишларда ифодалаш шеърда изчиллик, интизом ўрнатган, таъсирчанлик оширган” деб ёзади, профессор Бердиали Имомов.

Бундай яхши фикрлар Теша Сайдалиев, Нормурод Нарзуллаев, Шукур Холмирзаев, Менгзиё Сафаров, Бекмурод Қодиров, Раҳим Воҳидов, Шафот Раҳматулла Термизий, Жовли Хушбоқов, Юсуф Вализода Дарбандий, Тўра Қобил, Маҳмуд Абулфайзов ва бошқа ижодкорлар томонидан ҳам ўз вақтида қайд этилган. Қисқаси Болта Ёриев ўз ҳаёти ва ижодий фаолияти билан шогирдларга ибрат намунасини кўрсатиб келмоқда.

У кекса ёшда бўлса-да, ҳамон ўз шеърлари, таржималари, мақолалари билан матбуотда, радио ва телевидение орқали тез-тез чиқишлар қилиб туради, шаҳар ва вилоят миқёсидаги маънавий-маърифий тадбирларда, ёшларнинг кўрик-танловлари ва анжуманларида ўзининг қимматли маслаҳатлари билан иштирок этиб туради.

## **Н. Чориев**

Қумқўрғон туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси. Ижодкор-муаллим. Республика ёш ижодкорлар учрашувининг қатнашчиси, чорак асрдирки матбуотда унинг шеърлари, бадиий публицистик мақолалари чиқиб турибди.

### **ФИДОКОРГА**

Манзиллар олдида энтикарди қалб,

Азизлар қўл очиб айтинг дуони.

Минглаб бирлашаркан, зўр ният сабаб,

Тоғларни йиқитар, тўсар дарёни.

Шу элнинг шухрати, ўтмиш, эртаси,

Руҳимни сеҳрлаб айтса садолар.

Манзиллар кутаркан, сирли туйғуси,

Сиз очинг, сиз бошланг элни фидолар.  
Йўлларинг оқ бўлсин, сафар бехатар,  
Ўйларинг беғараз, шахдинг шиддаткор.  
Мовий кўз бир шоир шеър айтиб берсин,  
Ҳар эзгу ишингга, ҳар гап фидокор!

*1999 йил.*

### **Абдумажид Азимов**

Қумқўрғоннинг Ўзбекистон жамоа хўжалигида туғилди. Ёшлик йиллари Эльбоян қишлоғида ўтди. Ўрта мактаб, институт, редакция. У Қумқўрғон туман "Меҳнат шарафи" газетасида ҳам бир неча йил меҳнат қилиб, ўз халқига хизмати сингди. Мана қарийб ўн беш йилдирки Тошкент шаҳрида, ҳозир "Шарқ бизнеси хабарномаси" республика газетасида масъул ходим, бугунги кунда "Моҳият" газетаси муҳаррири. Ижодлари матбуотда тез-тез чиқиб туради. Бир нечта кичик-кичик китоблар муаллифи.

### **Янгибой Шоймардонов**

Қумқўрғоннинг Боймоқли қишлоғидан. Адабиётчи. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилди. Термиз Давлат педагогика институтида дарс берди. Вилоят ва туман матбуотида ишлади. Ижодни эса мактаб партасидан бошлаган эди.

### **Унга ярашади**

Унга ярашади оху қарашлар,  
Киприги кўзидан шуъла талашар.

Лабидаги сирли ифода, иссиқ,  
Марварид тишларнинг ўзи бир қўшиқ.  
Ярашар юлдузин порлоқ ёғдуси,  
Ҳали қалбида йўқ зарра қайғуси.  
Ярашар бармоғин ўтли титроғи,  
Ҳатто ярашади нозу фироғи.  
Ул ёзиқ сочларинг шалоласи зар,  
Ҳа, қув табиатнинг бир балоси бор.  
Ўзи шайдомикин ярашиб қўйиб,  
Тамоша қиларми у тўйиб, тўйиб.  
Ярашар, ярашиб куйга соламан,  
Шу қизнинг шайдоси шоир боламан.

## **Дилфуза Қўзиева**

Қумқўрғон шаҳрида туғилди. Отаси ҳам, онаси ҳам олий тоифали врач. Дилфуза тўртинчи синфдан ижод билан шуғулланди. 5 синфда вақтли матбуотда ижоди берилди. Бир неча бор ёш ижодкорлар конкурси ғолиби бўлди. Сўнгра олий ўқув юрти, студентлик ижоди республикага танитди уни, Кўпинча болаларбоп асар яратади. 1987 йил "Ҳар доим бўлсин қуёш" тўплами, сўнгра "Чумчук бола" номи билан алоҳида китоби чоп этилди. Ҳозир Қумқўрғон туман ҳокимлигида масъул ходим.

## **Қатралар**

### **1.Бахт**

Қиш келса ҳам талхир хурмолар  
турибдилар, сарғайиб бе ун...

Муҳаббатнинг тафти тегмаган аёллардек

Ёлғиз ва дилхун...

Қиш келса ҳам талхир хурмолар...

Гўё қуёш кўрмаган абад!

Онага ҳеч қувонч берганми

Фарзанд ёрга қўйса муҳаббат?..

2.Сир Шаҳар...ёмғирлардан бўккан мусича... "Бари бир қуш санар ўзин ўзича)

3.Бир куни...

Ойнинг юзларида доғ тушган кеча қора қозон тўлди серқаймоқ сутдан...

Сочини қатиклаб ювгач сўнг чеча тароғини йўқотиб қўйди тўсатдан...

Шу... Уч кун тарокдан бўлмади дарак... хаёл бормаган ер, осмон қолмади.

"Тиши синган тароқ кимга ҳам керак?" - дейди, лек ўзини юпатолмади:

(Хаёли чалғиди полапонлардек, сигирни соғса ҳам ўйида тароқ тишсиз ошни зўрға ютар бўлди у ёрникидан баттар бўлди бу фироқ).

...Бир чоқ... Чечанинг кўзлари ярқ этиб кетди: кенжасини қўлида йўқолган тароқ!.

-Оҳ сағирим, менинг етим қўзим-а, Худойимга бўлдинг ўзгинанг тилмоч!

Болакай илжайди...

Лек титраб кетди тароқ, тишида бир тола оқ соч...

#### 4.Гулнозга хат

"Бола-қувонч, бола-овунчоқ" деб ёзибсан хатингни Гулноз, лекин баъзан онамиздан ҳам рост овунчни топишимиз оз. "Ўтган кунни унутгинг келмас, аммо унут бўлгай тасалли": ҳали. биздан чиқмас дардлар кўп, овунч бўлмас боланг ҳам ҳали..

Ҳали...

Бир кун таслим этарканмиз жон (она расми кўзи қотган чок), -хаёлга ҳам келмас, биламан: бола-қувонч, бола-овунчок"

### **Мамараим Поёнов**

Олий тоифали мутахассис ҳам эмас, оддий касбкор. Лекин деҳқончилик "олими" 40 йил бир нечта кетмон, бел ва бошқа қишлоқ хўжалиги асбобларини ишдан чиқарган. Лекин ўзи ишдан чиқмаган. Шу давр ичида кўпчиликни ҳам маънавий ҳам, моддий тўйдирган. Лекин ўзи тўймаган. Шарқ классик адабиётини, алломалар ижодини нуқул ёд айтади. Фалсафадан гап кетганда унинг олдига ҳеч ким тушолмаган, олдига тушганни қўймаган ҳам. Ўзи жуда кўп фалсафий тўртликлар ёзиб юради.

### **Асабларни қақшатиб**

*(Шеърӣй фелъетон)*

Ҳар гўшанинг ўз кўрки,  
Бордир ўзга чиройи.  
Қумқўрғондек гўзал жой,  
Шаҳринг бўлса киройи.  
Ярим асфальт кўчалар,  
Тафсилотга жуда бой.  
Айримлари ковланиб,  
Ҳосил бўлган адир-сой.  
Бор-нарсани ёздим мен,  
Хоҳ ишонма, хоҳ ишон.  
Кўчаларнинг четида,  
Йўлакчадан йўқ нишон.

Узукка кўз мисоли,  
Ҳар кўчанинг ўз номи.  
Шаҳарларда бўлганидек,  
Унинг ҳам бор ҳаммоми.  
Ҳаммом деса дегулик,  
Танга роҳат бахш этар.  
Лек ундаги ҳангома,  
Асабларни қақшатар.  
Бу корхона ҳаммомда,  
Ишлар кассир опамиз.  
Не ҳол ифлослик бўлса,  
Ушбу ердан топамиз.  
Роҳатижон буғхона,  
Лек ҳовлидир танчаси.  
Тахтачалар чириган,  
Синиб ётар қанчаси.  
Хушинг оғар кирганда,  
Нохуш, сассиқ, бир ҳиддан.  
То ювиниб чиққунча,  
Асар қолмайди диддан.  
Комхоз билан горсовет,  
Ўн йилки роппа роса.  
Ташвишли ҳолат билан,  
Қилиб келар муроса.



**Роҳила Фармонқулова - Маҳзуна. 1968-2005 йил.**

**Мендан рози бўлинг отажон**

Қисмат чангалида эрмаклар бўлдим,

Қўшнилар ўртасида эртақлар бўлдим.

Ғийбату-иғволарга кераклар бўлдим,

Мендан рози бўлинг отажон.

Хоки пойингиз кўзга тўтиё,

Гўзал юзингиздан таралар зиё.

Берган ўгитингиз юрагимга жо,

Мендан рози бўлинг отажон.

«Сиротал мустақим...» йўлини тутай,

Пиру муршидларнинг қўлини тутай.

Дуо беринг менга ғамни унутай,

Мендан рози бўлинг отажон.

Дунёдан юз бурдим тавбалар қилдим,

Оллоҳим ишқида сарғайиб сўлдим.

Зоҳидлар йўлини тўғри деб билдим,

Мендан рози бўлинг отажон.

Мен кетай дунёдан бошимни олиб,

Ғариблар ҳолини кўнглимга солиб.

Дуо қилай Сизга илтижо қилиб,

Мендан рози бўлинг отажон.

*1998 йил*

**Жуманазар Аноров**

Қумқўрғон қишлоғида туғилиб, Қумқўрғон қишлоғида вояга етди. Ижодининг қаймоғида Қумқўрғон ётади. Ўзи қаерда ишламасин, яшамасин, қалбида, хаёлида Қумқўрғон. У ҳозир вилоят "Адолат тарозиси" газетаси бош муҳаррири. Лекин Қумқўрғонда яшайди.

## Кузатиш

### *Новелла*

Йигит қизга яна бир бор тикилади. Нигоҳлар тўқнашди... Бир лаҳзагина давом этган бу тўқнашув икки қалбда кучли ғалаён қўзғатди. Ана шу "бир лаҳзагина" икки ёнган юракнинг бир-биридан ажралиши нақадар оғирлигини англатди. Ҳижрон азоби кўзлари ўнгига келаяпти шу лаҳзада...

...йигит Ватан олдидаги бурчини ўташга отланган. "Икки йил ҳадемай ўтади. Хизматни аъло ўтаб яна ёнингга қайтаман" деган маънони англаш мумкин эди йигитнинг қарашидан.

Муҳаббат уларни яқинлаштирди. Бугун эса икки ёш бир-биридан ажралгиси келмай турибди. Ҳаёт аслида курашлардан иборат. Бу курашда ғолиб чиқа оладиганларгина ҳақиқий муҳаббат соҳиблари бўладилар.

Икки ёш юрак шўх, беғубор ёшлик кезларидаёқ ҳамоҳанг ура бошлаган эди. Ёшлигидаги аҳду-паймон муҳаббатга айланиб узилмас ип бўлиб қолди. Энди яна кураш...

...Поезд аста-секин узоқлаша бошлади.

-Хатингизни кутаман, -дея олди қиз.

Поезднинг "тақа-туқ"и аралаш йигитнинг:

-Ёзаман, азизим, ёзаман, -деган овози қайта-қайта эшитиларди.

*1978 йил.*

**Х Х Х**

## Ўрол Абраев

Қумқўрғон қишлоғидан. У ўқувчилик кезларидаёқ "Муштум" журнаliga ёзиб турар, чиқмаса ҳам ёзаверар эди. Барибир ёзишдан тўхтамади, чарчамади, безмади, охири ёзувчи бўлди, қўйди...

Икки касб эгаси, севган касби журналистика. Ҳозир вилоят газеталарида фаолият юритмоқда.

### Тилидан топди

#### *Шингил ҳикоя*

Беписанд Ғалчаевнинг ғалати одатлари бор. Ўзини "бой"лар тоифасидан ҳисоблаб юрувчи бу шахс идорага бошлиқ бўлиб олди-ю, талтайганидан-талтайиб кетди. Катта гаплилар даврасида сайрашқу жони дили.

Ёз кунларининг бирида беш-олтита улфат дарё бўйида кайф қилиб ўтирарди. Бир пайт Ғалчаев қум устида ялпайиб ётган "дўсти"га ғудранди:

Сен итсан. Уруғинга...

Ётган "дўст" ҳам ўрнидан турмоқчи бўлдию, гандираклаб эвини қилолмади: - Сеничи- мен... пайтава ҳам қилмайман ҳиқ-қ, -деди кўзини сузиб.

-Бас қил-э, ҳе зоти па-ас...

Қолган "живой" юрганлар уларни тинчителишгач бир амаллаб чўмилишиб, бир оз ўзларига келишди. Яна тўда бўлишиб шишани "майдалай" бошлашди.

-Ме-ен бойман!-деди пиёладаги конякни бир кўтаришда ютиб газак излаётган Беписанд, кўзини ола-кула қилиб.

-Султон-н-ман. Нега Султон бўлмай, учта хотиним, учта ҳовлим, учта машинам...

-Султон ҳеч замон суягини хор қилганми?-деди "аламзода" улфат яна луқма ташлаб, -уканг қамоқда ётибди чириб, сен бўлса чиранасан...

Бир пайт Ғалчаевхода ютгандек жим-м бўлди... тилидан топди. Қон босими ошди. "Ўқ мўлжалга аниқ тегди, шекилли, чап кўксини чангаллаб тош устига сомон тўла қопдек юз тубан йиқилди. Қаҳрамонимиз ойлаб хастахонада ётди. "Султон"нинг шу давр ичида сиркаси ҳам қолмади.

1996 йил.

### **М. Хурсанов**

#### **Қумқўрғон**

Она шахрим, Қумқўрғон

Куйлайин сени ҳар он.

Кўпгил мулкимда макон,

Она шахрим, Қумқўрғон.

Пайингда оқади Сурхон.

Элда дoston Қумқўрғон

### **О. АЗИЗОВА:**

#### **Она**

Фарзандлар камолга етгунга қадар,

Қанча нур тарашди кўзларинг гавҳар.

Сочларинг кораси тарк этди бир-бир,

Дилбандлар кўлида эмасдир бу сир.

Йиллар олиб кетди, гул ёшлигингни,  
Ажинлар туширди ойдек юзингга,  
Йўқ, йиллар эмас, онажонгинам,  
Бизлармиз сабабчи ҳар бир ажинга.  
Фарзанд шаддодлиги, шўхлиги боис,  
Бугун қароқларинг маҳзун-у нурсиз.  
Азиз онажоним, бизларни дебон,  
Ўтказдинг умрингни ўзингга уйсиз.  
Онажоним берган оқ сутинг ҳаққи,  
Ва берган тенги йўқ, соф меҳринг ҳаққи,  
Бешиқлар ёнида ўтган тун ҳаққи,  
Бахтли кечаётган ҳар бир кун ҳаққи,  
Қўлимда қаламим борлиги ҳаққи,  
Бир ажиб дўст менга ёрлиғи ҳаққи,  
Бир умр пайингга таъзим этаман,  
Дунёда тенги йўқ, меҳрибон она.  
Таъриф этай бугун меҳрингга қона,  
Дунёнингки барча яхшиликлари,  
Фақат сенга бўлсин, сенга жон она!

*1999 йил*

## 2.4. Халқ таълими ва маданиятнинг юксалиши ва натижалари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш, ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш учун кенг имкониятлар яратишдан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида «Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни демократик жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради»<sup>9</sup>, деб кўрсатиб ўтган эди.

Маълумки, ҳар бир жамият ўз тарихий тараққиёти давомида сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишда бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Эски тизим сарқитларини бартараф этиш, бошлаб юборилган ислохотларга тўғаноқ бўлаётган Совет мафқурасига хос маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, миллий урф-одатларни, қадриятларни, анъаналарни тиклаш, миллий маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб, долзарб масала бўлди. Кишилар тафаккуридаги миллий мустақиллик мафқурасини ҳар томонлама мукамал ривожлантириш, кишиларнинг дунёқарашида Совет тузумига хос сарқитларни бартараф этиш учун тинимсиз меҳнат қилиш талаб қилинди. Ўтиш даврида амалга оширилаётган ислохотларда инсон омили биринчи ўринда турса, ислохотлар шу қадар муваффақиятли кечади, чунки ислохотлар инсон манфаатларига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бозор ислохотларининг муҳим таркибий қисми бўлган кучли ижтимоий сиёсатга етарли баҳо берилмаган жойда ижтимоий кескинлик ва қарама-қаршилик вужудга келишини бугунга кунда ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Бу эса, ўз навбатида, ислохотларни обрўсизлантириб қўйиши мумкин»<sup>10</sup>.

Халқнинг маънавий дунёқарашини мукамал ривожлантириш учун аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият манбаларини чуқур ўрганиш, қайта тиклаш, тарғиб этиш масаласида муҳим

<sup>9</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.

<sup>10</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 6-жилд, 1998. 163 бет.

аҳамиятга эга бўлган ижтимоий турмушни яхшилашга, маънавий дунёқарашни ривожлантиришга оид ислоҳотлар мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширила бошланди. Маънавиятнинг бойлиги, келажак пойдеворининг мустаҳкамлигидан далолат беради. Бугунги истиқлол дамларида эзгу кадриятлар ва анъаналаримиз асосида яратилаётган мустақиллик мафқураси ҳам бой маънавий меросимизнинг устунидир. Мафкура ва маънавиятни бойитишда халқимизнинг асрлар оша асраб ва бойитиб келинган боқий анъаналари ва кадриятларининг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий муаммоларининг ечими, кадрлар тайёрлаш тизимининг равақ топиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, бозор муносабатларига асосланган, ривожланган жамият куриш вазифасини ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия, кредит ва савдо масалаларини тушунадиган, ишбилармон мутахассис-миллий кадрларга эга бўлмасдан муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири-буларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»<sup>11</sup>. Маълумки, таълим тизими жаҳондаги барча мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий, ғоявий маданий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Республикаимизнинг миллий мустақилликни қўлга киритиши натижасида халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлиб, ёш авлодни тарбиялаш усуллари ва йўналишларида миллий имконият ва руҳиятимизга мос тамойиллар ишлаб чиқилди. Ёш авлодни тарбиялашнинг янги тизими қарор топди. Президент И.Каримов мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар тўғрисида тўхталиб, «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Ҳудди шу

---

<sup>11</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 6-жилд, 1998. 325 бет

нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир», -деб таъкидлаган эди<sup>12</sup>. Таълим соҳасидаги бу янгиликлар, асосан, шўролар замонидан қолган мафқуралашган таълим-тарбия сарқитларидан қутулишга, унинг миллий заминини мустаҳкамлашга, таълимнинг бошқарув тизимларини такомиллаштиришга, унинг моддий-техника базасини замон талабларига мослаштиришга, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш тизимига асос солишга қаратилди. Бу ислохотнинг муҳим жиҳати шундаки, кадрлар тайёрлашнинг мактабгача тарбиядан тортиб то мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни қамраб олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини вужудга келтириш вазифасини қўйди.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида қабул қилинган янги қонунлар асосида мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизимини яратиш борасида кенг кўламли ислохотлар бошлаб юборилди. У мактабгача тарбия, умумтаълим мактабидан ташқари, таълим, ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълим, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш тармоқларини ўз ичига олди. Дастлаб асосий эътибор мактабгача тарбия тизимида туб ўзгаришлар қилишга қаратилди. «Мактабгача тарбия концепцияси», «Соғлом авлод учун» дастури, «Олти ёшли болаларни саводга ўргатиш концепцияси ва дастури» мактабгача тарбия муассасалари ишини янги йўналишга солишда муҳим омил бўлди. Мактабгача тарбия тизимидаги ислохотлар вилоятда 400 га яқин мактабгача тарбия муассасалари марказларини қамраб олган. Бу тарбия муассасаларининг асосий вазифалари болаларни мактабга ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларнинг шахсий қобилиятларини шакллантиришдан иборат бўлди.

1997 йил Шеробод туманида 92092 ўқувчи мактабларга, 1700 та болалар мактабгача таълим муассасаларда таълим олди. Мустақиллик йилларида Шеробод тумани халқ таълими бўлими таълим-тарбия соҳасида катта ютуқларга эришиб, мактабларни моддий техника таъминоти анча яхшиланди. Шеробод туман халқ таълими бўлими 1926 йил 6 сентябрда ташкил топиб, 2004 йилда умумий таълим мактаблари сони 65 та бўлиб, шундан 15 таси 9 йиллик, 50 таси умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этди. Тумандаги мактабларда 2950 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатиб, олий маълумотлилар 1909 нафарни, ўрта махсус маълумотлилар 1041 нафарни, аёллар 1565 нафарни ташкил этади. Педагогик ўқитувчиларни 434 таси олий тоифали, 1137 нафари 1-тоифали, 657 нафари 2-тоифани ташкил этади. Туманда 2006 йил мактабгача таълим муассасалари сони 41 та бўлиб, шундан 33 таси халқ таълими бўлими ихтиёрида, ушбу муассасаларда 2194

---

<sup>12</sup> И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли». -Т.: «Ўзбекистон», 1992. 23 б.



нафар кичкинтойлар тарбияландилар. Туман таълим муассасаларининг 65 тасидан, 53 таси замонавий услубда қурилган, шунингдек, 12 таси мослаштирилган биноларда, 30 тасида телефон алоқалари ўрнатилиб, 65 та мактабларда талаб даражасидаги спорт майдончалари, 28 тасида спорт соғломлаштириш хоналари мавжуд. Мактабларнинг 61 таси шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сон қарорига кўра қишлоқ мактаблари қурилишига эътибор кучайтирилди. Шеробод тумани педагоглари «Таълим тўғрисида»ги Қонунни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, аجدодларимиз яратган моддий-маънавий бойликларни асраш, тарихини ўрганиш, урф-одат ва кадриятларни мукаммал ўзлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратдилар. 1997 йилда 844 ўринли, 2001 йилда 255 ўринли мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди, шунингдек, 28-сон мактаб, 32-сон мактаб ва 46-сон мактаб биноларини қайтадан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2002 йилда туманда 64 та умумий таълим мактабларида 2660 нафар билимли, истеъдодли, тажрибали ва ижодкор ўқитувчилар меҳнат қилиб, 35 мингдан ортиқроқ ўқувчиларга таълим-тарбия берди. Шеробод тумани маорифида моҳир, билимдон, тажрибали педагоглар ўз маҳоратларини янада ошириб, янги педагогик технологияни жорий этиш, миллий истиқлол руҳида ўқувчиларни тарбиялашда алоҳида ўрнатилган кўрсатмоқдалар. 1-сон мактабдан София Матёкубова, 32-сон мактабдан Нурсайд Чориевлар «Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси», 1-сон мактабдан Эркин Хўжамбердиев, 5-сон мактабдан Муҳаббат Абдулазизова Республикада хизмат кўрсатган «Ёшлар мураббийси», 1-сон мактаб директори Тўлғаной Бибитова, 60-сон мактаб бошланғич синф ўқитувчиси М.Ҳайдарова, 11-сон болалар боғчаси мудираси Н.Эргашева, 3-сон мактабдан Сожида Ҳожиаҳмедова «Шухрат» медали, 15-сон мактабдан Исо Аллабердиев, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибидир. Халқ таълимини ривож топишида 16- мактаб директори таниқли педагог К.Хушбоқов, 37-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси Т.Турсунова, 31- мактаб тарих ўқитувчиси М. Мамаражова, 29- мактаб физика ўқитувчиси Р.Тавошаров, 28-сон мактаби ўқитувчиси Г.Менглиева кабиларнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Тумандаги 116 нафар ўқитувчи «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси», 96 нафар ўқитувчи олий тоифа малакали ўқитувчи унвонига сазовор бўлдилар.

Мустақиллик йилларида Шеробод тумани маорифи янада юксалиб, ўқувчиларни янги педагогик технология асосида ўқитиш, мактабларни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ҳамда билим олишга қизиқтириш масаласида муҳим

ютуқларга эришилди. Шеробод туман халқ таълими бўлими тасарруфида 2013 йилда 70 та умумий ўрта таълим мактаби, 24 та мактабгача, 5 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда таълим муассасаларида 35120 нафар ўқувчига 3326 нафар мутахассис ўқитувчилар таълим-тарбия беришмоқда. Халқ таълими давлат дастури асосида туман мактаблари моддий-маънавий жиҳатдан мустаҳкамланиб, таълим бериш шакллари жаҳон таълим талаблари асосида ташкил қилиниб, махсус ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатлари ташкил этилди. Республикада танилган ана шундай ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатларидан бири Шеробод туманидаги Давлат 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати 2005 йилда Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2004 йил 24 декабрдаги 224-сонли қарори билан ўз иш фаолиятни бошлади. Ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати 2010 йилда 210 ўринли замонавий типда қурилган янги бинога ўз иш фаолиятни давом эттириб, мактабга республикада танилилган ташаббускор камтарин инсон, таниқли педагог, ташкилотчи раҳбар, “Халқ таълими аълочиси” медалига сазовор бўлган Турсунов Рўзибой Рашидович раҳбарлик қилиб келмоқда. Р.Турсунов меҳнат фаолиятини тумандаги 7-умумий таълим мактабидан бошлаб, туман халқ таълимни ривожлантиришга астойдил ҳисса қўшиб, 1960-1985 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтини сиртдан тугатиб, 1985 йилда вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, 1992-1993 йилларда Шеробод туманида Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи, 1996 йил вилоят Халқ таълими бошлиғи ўринбосари, 1996 йил августидан вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлади. Халқ таълими фидойиси, талабчан, таълим тизими бўйича Давлат таълим дастурларни амалга оширишда ўз билим салоҳиётни сарфлаган Р.Турсунов ўз касбига садоқати билан эл назарига тушди. 2013 йилда мактаб интернатдаги 20-нафар педогог ходимдан 5-нафари “олий” тоифали, 11 нафари “биринчи” тоифали ўқитувчи бўлиб, тажрибали педогоглардан “Халқ таълими аълочиси” медалига сазовор бўлган М.Сатторова, Г.Мажидовалар ҳамда Р.Жавлиева ўзбек тили ва адабиёт фанидан, Т. Абдуллаева математика фанларидан ўқувчиларга таълим тарбия бериб келмоқдалар.

Тумандаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатда жами 256 нафар ўқувчи бўлиб, ўқувчилардан М.Жабборов “Умид ниҳолари” спорт мусобақасида фахрли ўринни, Г.Намозова, Ҳ.Жалилова фудокане крате-до федерациясида ўтказилган мусобақада фахрли 1-ўринни эгалладилар. Халқ таълими фидойиси, ташкилотчи, 56-умумий ўрта таълим мактаби директори

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, туман кенгаши депутати Воҳидова Сайёра Носировна раҳбарлигидаги мактаб 100 фоиз мутахассислар билан таъминланиб, туманда таълим сифати рейтинг кўрсаткичлари бўйича 1- ўринни эгаллаган. Мактабда жами 60 нафар ўқитувчи бўлиб, шундан, 4-нафари “олий” тоифали, 10 нафари “биринчи” тоифали бўлиб, 687 нафар ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда. Мактаб ўқитувчилари томонидан ўқувчилар онгига миллий кадрият, анъанлар, буюк сиймолар билан фахрланиш туйғуларини сингдириш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Мактаб республика миқёсида халқ таълимини ривожлантириш масаласига оид ўқув семинарларда, илғор иш тажрибаларни оммалаштиришда, аниқ ва табиий фанлар бўйича лаборатория ва лингафон хоналардан ўқув жараёнида фойдаланишда, компьютер саводхонлиги, методик тавсиялар, қўлланмалар, дарс ишланмалари, илғор педагогик технологияларидан фойдаланишда, кўрик танловларида иштирок этишда ва мониторинг натижалари бўйича энг катта тажрибага эга мактаблардан бирига айланди. Мактаб 2011-2012 ўқув йилда “Халқ оғзаки ижодиёти билимдонлари” кўрик танловида 1- ўринни, “Йил мактаби” кўрик танловида 2- ўринни, санъат йўналишида 2012 йил “Янги авлод” кўрик танловида 3- ўринни, “Ёш ижрочи 2013” кўрик танловида 2 нафар ўқувчи иштирок этишиб фахрли 2-3 ўринларни эгаллашиб Республика миқёсида ғолибликни қўлга киритдилар.

Туман халқ маорифи ривожига муносиб ҳисса қўшаётган устоз муррабийларидан Мамадамин Сатторов 8-умумий ўрта таълим мактабида директори бўлиб, ўзининг фидоийлиги, ташаббускорлиги ҳамда ёш авлодни ватанга меҳр ва муҳаббат руҳида тарбиялашдаги самарали меҳнати билан эл назарига тушди. Муносиб педагогик фаолияти учун “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллик кўкрак нишони”, “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланиб, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ижросини таъминлашда самарали меҳнат қилиб келмоқда. Турсунова Норжамол Нарзуллаевна туман халқ таълими ривожига ўз меҳнати билан алоҳида ҳисса қўшиб келаётган тажрибали педагог, математика фанидан 1985 йилдан буён 8-умумий таълим мактабида фаолият кўрсатиб, 2011-2012 ўқув йилларида Республика фан олимпиадасида муносиб иштирок этиб фахрли ўринларга эга бўлди. 2012-2013 ўқув йилида математика фани бўйича танловларида шогирдлари туман ва вилоят босқичларида танлов ғолиблигини қўлга киритдилар. Шеробод туманида ёшларни жисмоний бақувват тарбиялашда тарбия ва спорт ишларига алоҳида эътибор берилди. Спорт турлари бўйича махсус

жиҳозланган спорт иншоотлари кўрилиб, кўшимча спорт ашёлари билан таъминланди. Туманда ўрта махсус таълими ва маориф шоҳобчаларида мунтазам тарзда спорт мусобақалари ташкил этилди. Натижада спортнинг «Кураш», футбол, волейбол турлари бўйича мусобақаларда катта натижаларга эришдилар. Спортнинг Кикбокс тури бўйича Чориева Малоҳат Республика чемпиони спорт усталигига номзод, Ваҳобов Жамшид 4 марта Республика чемпиони, халқаро турнир ғолиби, спорт устаси Ҳамроев Умид 4 марта Республика чемпиони, жаҳон чемпиони совриндори, спорт устаси, Зиёдуллаев Муҳиддин 5 марта Республика чемпиони, дунё чемпиони, спорт устаси, Абдуллаев Шерзод 10 марта Республика чемпиони, Халқаро турнир ғолиби, 2003 йил «Энг кучли ёш спортчи» унвони совриндоридир.

Таълим дастури асосида ташкил этилган касб ҳунар коллежлари 2013 йили Шеробод туманида 9 та бўлиб, ушбу ўқув даргоҳлари замонавий талаб даражаларида жиҳозланиб, ёш авлодга мукамал таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Термиз Давлат университети қошидаги Шеробод академик лицейи 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, 450 ўринга мўлжалланган, жами ўқувчилар сони 435 тани ташкил қилди. Академик лицейга дастлаб директор лавозимида Боқи Деворов, 2002 йилда т.ф.н., доцент Бўри Қодиров, академик лицейда аниқ фанлар, табиий фанлар, хорижий филология, ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўлимлари фаолият кўрсатди. Академик лицей 2009 йилда Шеробод педогогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига айлантирилиб, ушбу коллежга т.ф.н.доцент Панжи Хушбоқов директор этиб тайинланди. Натижада коллеж кўп тармоқли касб-ҳунар ходимларини тайёрлаб, замонавий ҳолда тўлиқ қайта таъмирланиб, моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамланди. Коллеж директори т.ф.н, доцент П.Хушбоқовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган ўқув, илмий ва маънавий ишлар самараси туфайли республикадаги етакчи ўқув юртларидан бирига айланди.

Шеробод тиббиёт коллежи дастлаб тиббиёт билим юрти сифатида собиқ Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1982 йил 14 июлдаги 507-сон Қарори асосида иш бошлаб, дастлаб билим юртида ҳамширалик бўлими ташкил этилди. 1993 йилдан бошлаб билим юрти директори Р.Х.Мардоновнинг ташаббуси билан даволаш иши бўлими, 2000 йилдан эса Ортопедик стоматология бўлимлари ташкил этилди. 2000 йил 24 мартдаги вилоят ҳокимлигининг А-49-сонли буйруғига асосан Шеробод тиббиёт билим юрти Шеробод тиббиёт коллежига айлантирилди. 2006 йилда тиббиёт коллежида 1300 нафар талаба таҳсил олиб, уларга 2 нафар фан номзоди, 27

нафар олий тоифали, 21 нафар 1-тоифали, 21 нафар 2-тоифали ўқитувчилар билим беришмоқда. Коллежда 8 та кафедра ташкил этилиб, улар «Терапия», «Педиатрия», «Жарроҳлик», «Умумтиббиёт», «Ҳамширалик иши», «Аниқ ва табиий фанлар», «Шахсни ривожлантириш» ва «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраларини ташкил этди. Тиббиёт коллежида 68 та умумтаълим ва махсус фан ўқув хоналари ҳамда 6 та лаборатория, Марказий касалхона бўлимларида 16 та амалиёт хоналари Давлат таълим стандартлари асосида талабаларга билим беришга мослаштирилган. Тиббиёт коллежида 48000 китоб фондига эга кутубхона, 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 3 та ўқув биноси, 1 та маданият зали, 1 та спорт зали ва бошқа имкониятлар талабалар учун яратилди. Шеробод қурилиш ва халқ ҳунармандлиги касб-ҳунар коллежи 2002 йил реконструкция қилиниб, 2003 йилдан коллеж мақомига эга бўлган. Коллеж 350 нафар ўқувчи ўринга мўлжалланиб, умумий майдони 2,4 гектар, ўқув бинолари 2 та бўлиб, 21 та фан хоналари, 6 та устахона, 3 та фан лабораториялари мавжуд. Коллежда 31 нафар ўқитувчи, муҳандис техниклар хизмат қилади.

Туман болалар мусиқа мактаби мустақиллик йилларида моддий техника базаси мустаҳкамланиб, ўқув бинолари қайта жиҳозланиб, янги мусиқа асбоблари билан таъминланди. Мусиқа мактабида мустақиллик, миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳамда ёшликни ўзида мужассамлантирган куй ва кўшиқлар асосий йўналиш қилиб олинган. Мусиқа мактабида 2000 йилда 16 нафар мутахассис ўқитувчи 133 нафар ўқувчиларга мусиқа сирларидан таълим берди. Мусиқа мактабида доира, гижжак, най, дутор, кларнет, рубоб, прима, фортопиана, анъанавий ижрочилик ва бошқа мутахассисликлар мавжуд. Мактабда мусиқа ҳафталиги ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказилади. 2004-2005 ўқув йилида мусиқа мактабида карнай-сурнай, дуторчилар, ўзбек халқ чолғу асбоблари, ансамбль ҳамда оркестр, хор анъанавий ижрочилик бўлимлари, мақом бўлимлари ташкил этилди. 2005-2006 йилларда мусиқа мактабида таъмирлаш ишлари ўтказилиб, мактаб замонавий руҳда қайта жиҳозланди. Машҳур мусиқа ва санъат фидойилари М.Ашрафий, М.К.Ёқубов хотирасига бағишлаб ўтказилган вилоят танловида фахрий ёрлик ҳамда диплом совриндори бўлиб қайтишди.

Мустақиллик шарофати билан вилоятимиз туманларидан биринчи бўлиб бошлаган Шеробод телевидениеси ёш, ташаббускор Рўзи Омоновнинг саъй ҳаракатлари билан фаолият бошлаган. Бу муҳим ишни ташкил этишда ўша даврнинг раҳбари бўлган Ҳаким Бердиев, Хушбоқ Пайғамовларнинг хизматлари катта бўлган. Дастлаб шаҳар ичига кино ва концертлар тарқатилган. Кейинчалик директор Рўзи Омоновнинг тиришқоқлиги туфайли

узатиш вақти чўзилиб, сифати яхшиланган. Телевидениега Эшпўлат Бўтаев оператор, монтажчи Садоқат Жўраева, сурхондан Маҳмуд Ҳамроев узатиш маркази муҳандиси бўлиб ишланган, кейинчалик кўрсатувлар тайёрлана бошланади. Муסיкий асосда берилган кўрсатувни Гулчеҳра Сафарова, Абдуназар Каримовни тайёрлашган бўлишса, Турсуной Очилниёзова, Неъмат Аблаевлар суҳондон бўлишган. 1996 йилга келиб телевидение ҳар томонлама кенг ривожланди, махсус кўрсатувлар эфир юзини кўра бошлади. Операторлар Аслиддин Аблаев, Чори Сатторов, Абдуназар Саматов, Бахтиёр Каримовлар, суҳондон Турсуной Очилниёзова, Наргиза Юсупова, мухбир Шотўра Турсуновлар фаолият олиб боришган. Бугунги кунда телевидение кўрсатуви 30 километр радиусгача узатилади, Шеробод тумани тўлиқ, Ангор, Бандихон, Қизирик, Музрабод туманларининг бир қисми Шеробод телевидениеси кўрсатувларини томоша қилишади. Телевидение техник жиҳатдан мустақкам базага эга энг сифатли телеаппаратура билан жиҳозланган. Бугунги кунда директор Рўзи Омонов раҳбарлигида муҳаррир Шотўра Турсунов, оператор Мирзоҳид Самадов, компьютер монтажчилар Эшбўри Худойбердиев, Лочин Ибргагимов, суҳондон Турсуной Очилниёзова узатиш маркази техниклари Илҳом Жўраев, Рўзимурод Худойбердиевлар иш юритишмоқда.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли кутубхона мустақиллик йилларида катта имкониятларга эга бўлиб, янги китоблар ҳамда миллий урф-одат ва қадриятларни акс эттирувчи асарлар билан таъминланди. Кутубхоналар туман аҳолиси ва ёшларнинг асосий маданият марказига айланиб, китобхонлик кечалари, ижодкорлар билан учрашув, янги китоблар мавзусида турли хил мавзуларда учрашувлар ташкил этилди. Марказлашган кутубхонага қарашли 33 та тармоқ мавжуд бўлиб, 1 та болалар «Махсус кўзи ожизлар» кутубхонаси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Тумандаги Марказлашган тизимининг китоб жамғармаси 265310 та бўлиб, шундан ўзбекчаси 110744 тани ташкил этди. Шунингдек, 2000 йилда А.С.Термизий номли вилоят кутубхонасидан 935 та турли хил адабиётлар олиб келинди. Туман кутубхоналарида 23183 та, шундан 15 ёшгача 13219 та, шундан туман бўйича ўқилган адабиётлар сони 445269 та, шундан китоб кўرғазмаси 906 та, суҳбат ва янги китоблар танишувида 1132 та, адабий кечалар ва китобхонлар конференциясида 89 та китоб бўйича китобхонларнинг танишувлари, савол-жавоблари ва баҳс-мунозаралари бўлиб ўтди. Ахборот ресурс марказлари ва кутубхонлар сони 2013 йили туманда 15 та бўлиб, аҳолига мунтазам хизмат қилиб, ёш авлод тарбиясига оид маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Марказий кутубхона томонидан мамлакатимиз мустақиллиги, унинг

таракқиёти, ёш авлод тарбияси, соғлом авлод, «Аёл ва саломатлик», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Оқ либосли фидойилар» мавзусида 33 та кутубхонада учрашувлар, кўрик танловлар ташкил этилди. Шунингдек, туманда маданият ва истироҳат боғи, 1 та музей, 1 та стадион ёшларга таълим тарбия бериш ва жисмоний соғлом бўлиши учун мунтазам шуғулланиб келмоқдалар.

Халқимизнинг маънавий маданиятни ўрганишда ҳамда келажак авлодга тақдим этишда Шеробод давлат архивнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Шеробод архиви Ўзбекистон ҳукуматининг 1962 йил 2 июндаги № 403-сонли “Ўз.ССР да архив ишини яхшилаш тўғрисида” ги Қарори ҳамда “Сурхондарё областида архив ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш ва архивларни ҳужжатлар билан бойитиш ҳамда уларнинг ишларини тартибга солиш тўғрисида” ги Сурхондарё область Ижроия Комитетининг 1962 йил 28 мартдаги №4-141-сонли Қарори ва область Ижроия Комитетининг “Район Давлат архивларини районлараро архивларга бирлаштириш ҳақида” ги №461-Р рақамли 1962 йил 3 июлдаги Фармойишига асосан ҳамда Сурхондарё область Давлат архивининг 1962 йил 3 июлдаги №5-сонли буйруғига асосан Шеробод районлараро Давлат архиви ташкил этилди. Дастлаб Шеробод районлараро Давлат архиви Ангор, Бойсун, Шеробод ҳамда Термиз туманларидаги ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларга архив хизмати кўрсата бошлади.

Вилоят Давлат архивининг юқоридаги буйруғига асосан Ангорлик уруш иштирокчиси Темир Қурбонов Шеробод районлараро Давлат архиви бошлиғи этиб тайинланди. У киши бир муддат архив бошлиғи сифатида фаолият юритди. 1963 йил 15 февралдан ўша пайтда шу архивда инспектор бўлиб ишлаб келган Олимхон Тожиҳонов архив бошлиғи вазифасига тайинланди. Ишнинг кўзини яхши биладиган, меҳнатсевар ёш кадрнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли архив ишлари жонлантириб юборилди.

Шеробод архивда 1963 йилда 1931-1960 йиллар мобайнида юритилган 3754 сақлов бирлигидан иборат 73 та фонд ҳужжатлари мавжуд бўлиб, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда архив ҳужжатларига эътибор етарли даражада эмаслиги, иш юритиш ҳамда архив ишлари бўйича мутахассисларнинг йўқлиги сабабли кўп йиллик архив ҳужжатлари идоравий архивларда тўпланиб қолган эди.

Архив ишларида тажрибаси бўлган Олимхон Тожиҳонов районлар, қишлоқлар ва ташкилотларга тинимсиз қатнаб, ҳужжатларни архивга топширишнинг аҳамияти ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди.

Натижада корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида архив ҳужжатларига бўлган эътибор кучайди. У кишининг саъйи-ҳаракатлари билан идоравий архивларда тўпланиб қолган ҳужжатлар Давлат сақловига олиниб, архив ўта муҳим ҳужжатлар билан бойитилди. Олимхон Тожиҳонов 11 йиллик иш фаолияти давомида туманда архив иши ва иш юритиш ҳолатлари ҳамда ҳужжатларни сақлаш ишларига, архив ишини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

1974 йил март ойидан бошлаб районлараро Давлат архивига Ғулом Қурбонов раҳбар этиб тайинланди. У кишининг иш фаолияти даврида қўшимча архив хоналари ташкил этиш, техник жиҳозлар билан жиҳозлаш, ёғоч жавонларни темир жавонларга алмаштириш ишлари бажарилди. Идоравий архивлар билан ишлаш йўлга қўйилди. Идоравий архивларга паспорт тузиш, кузатув жилдлари ташкил этилди. Ғулом Қурбонов ишлаган даврларда 1979 йилда Бойсун туманида Давлат архиви очилиб 57 та фонд Бойсун Давлат архивига, 1980 йилда Ангор туманида Давлат архиви очилиб, 102 та фонд Ангор Давлат архивига берилди.

Олимхон Тожиҳонов ва Ғулом Қурбонов каби ажойиб инсонлар устоз сифатида ҳам, ўзларининг архив ишидаги заҳматкаш меҳнатлари билан ҳам орамизда ўчмас из қолдирди. 1987 йил 21 июнда Шеробод давлат архивига тажрибали архившунос Тожиҳонов Иброҳим Олимович раҳбар этиб тайинланди. Ташкилоти ташаббускор раҳбар И.Тожиҳонов архив ишларни тўлиқ қайта ўрганиб чиқиб. Архив ҳужжатларни сақлаш ва қайта ўрганиш ҳамда тиклаш ишларига алоҳида эътибор берди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий қонунлар қаторида архив қонунчилигини қайта ишлаб чиқишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Чунки республикалар ўтмишда умумий ҳуқуқий базага эга бўлиб, архив тизимини жорий этиш ва архив ишини бошқариш, марказлаштириш тамойилига асосланган собиқ Иттифокда ягона архив фаолияти жорий этилган эди. 1992 йил 6 июлда МДХ давлатлари бошлиқлари ўртасида давлат архивларига ҳуқуқий ворислик битими тузилиб, мазкур битимга асосан томонлар архив фондларининг яхлитлиги ва бўлинмаслигини эътиборга олиб, мамлакатлар ҳудудидан ташқаридаги давлат архивларида сақланувчи олий давлат тузилмалари фаолияти натижасида вужудга келган ҳужжатларга эгалик қилиш ҳуқуқидан воз кечдилар.

Шунингдек, ҳар бир давлат миллий қонунлари эътиборга олинган ҳолда собиқ Иттифокнинг давлат ва бошқа турдаги архивлари, уларда



сақланувчи архив фондларининг ҳам ҳар бир республика ихтиёрида қолдирилиши тан олинди.

Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда, жамият муносабатларига ҳуқуқий таъсирни кучайтириш, қонун ҳимоясини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни талаб қилади. Ўзбекистонда қонунчилик тизими ўзгартирилиб, унинг баъзи бир соҳалари деярли янгидан шаклланди, турли ҳуқуқий соҳаларнинг мослашувига асосланган, комплекс характерга эга бўлган қонунлар қабул қилинди. Бунинг амалий натижаси сифатида 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида” ги қонунини келтириш мумкин. Мазкур қонун Ўзбекистон тарихидаги архив ишларини назорат қилувчи биринчи қонун бўлганлиги сабабли, нафақат тарихий воқелик ҳисобланади, балки мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг ижтимоий, илмий, маданий, ахборот ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилашга қаратилган янги турдаги қонун сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида ҳуқуқий демократик ислохотлар кенг кўламда олиб борилаётгани боис миллий кадриятларимиз ва манфаатларимизга мос келадиган, қонунчилик палатаси ҳамда сенат муҳокамасида чуқур таҳлил этилиб муқамал ишлаб чиқилган 2010 йил 15 июнда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида” ги қонуни Республикамиздаги барча архив муассасалари ходимлари зиммаларига улкан масъулиятлар юклаш билан бир қаторда архив соҳасида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича “Тармоқ Дастури” ишлаб чиқилишига дастуруламал бўлди. Ушбу қонун меҳнат жамоамиз йиғилишида ўрганиб чиқилди ҳамда ижросини амалга ошириш юзасидан режа ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни кунларда янги қонун талаблари асосида ишга янгича муносабат билан ёндошган ҳолда жадал суратлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг барча архив муассасалари сингари Шеробод туман давлат архивида “Архив ишини ривожлантириш” юзасидан сўнгги йилларда ва жорий йилнинг ярим йиллигида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ишлар йил бошида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган режа асосида олиб борилди ҳамда режадаги кўрсаткичларнинг ортиғи билан

бажарилишига шунингдек олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ўсиб боришига эришилди.

Ишларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида” Қонуни (янги таҳрирда) “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида” ги Қонунини амалга оширишни таъминлаш бўйича янги таҳрирдаги Давлат дастури, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” Қонуни, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.02.2004 йилларда “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги №49-сон қарори, шунингдек “Ўзархив” агентлиги ва архив иши бўйича ҳудудий бошқармалар тўғрисида Низомлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 июл 2005 йилдаги ПҚ-117 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги №-101-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 26.08.2005 йилдаги №08/422 тадбирлар Режасини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги тизимида архив иши ва иш юритишни ахборотлаштиришнинг 2010 йилгача мўлжалланган Дастури” ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бўйича Интернет тармоғида 2010 йилгача ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат алмашинуви кўллаш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш бўйича тадбирлар Режаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги тизимида 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Тармоқ Дастури шунингдек “Ўзархив” агентлиги ва Сурхондарё вилоят архив иши бошқармасининг Низомлари, йўриқномалари, кўрсатмалари, буйруқлари ҳамда архив ишига оид бошқа меъёрий услубий ҳужжатлар талаблари бўйича иш юритиш дастуруламал қилиб олинди.

Ижро интизомига қатъий амал қилган ҳолда Ҳукумат қарорлари ва “Ўзархив” агентлиги буйруқлари шунингдек вилоят архив иши бошқармасининг буйруқлари ҳамда маҳаллий Ҳокимият қарорларининг бажарилиши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди ва уларнинг ижроси ҳақида юқори раҳбарлик органларига ва бошқа тегишли жойларга ўз вақтида ахборотномалар юбориб турилди.

Туман Ҳокимлиги раҳбарлигида ўтказилган оммавий тадбирларда, хашарларда, байрамларда ва шу каби бошқа ишларда фаол иштирок этиб борилди. Жамоа ходимларининг меҳнатлари муносиб баҳоланиб мунтазам равишда моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 26-августдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги 194-сонли қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан сўнгги йиллар мобайнида корхона моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида кенг қўламда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Архив биносини таъмирлаш учун бюджетдан 5.100.000 (беш миллион бир юз минг) сўм ажратилган бўлсада, пуллик хизмат кўрсатиш ҳисобига тушган пуллар ҳисобидан қўшимча 2.800 000 (икки миллион саккиз юз минг) сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Бинонинг фасад қисми эшик ва дераза ромлари эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли янгисига алмаштирилди. Янги замонавий “АКФА” русумли 12 та дераза ва 3 та эшик ўрнатилди. 2 та хонанинг шифтлари янги замонавий пластик патолоклар билан янгиланди. 130 квадрат метр ёғоч пол ўрнига янгидан кафел тўшаб ёпиштирилди. Пуллик хизмат кўрсатиш ҳамда ўқув хонаси учун алоҳида хона ажратилиб тубдан таъмирланди ва янги мебель анжомлар билан жиҳозланди. Бинонинг фасад қисми янгидан қумсувоқ (штукатурка) қилинди ва оҳакланди, ички қисми ва 3 та ҳужжатхоналар ҳам таъмирлаб чиқилди. Бинонинг олди томонида 40 п/м бардер қуйилди ҳамда янги кўприк қурилди. Электр симлари ва ёритгичлар қайта монтаж қилиниб, электр ҳужжатхоналарга ҳимояланган плафонли ёритгичлар ўрнатилди. Ҳужжатхоналарга янги, замонавий, ёнғиндан дарак берувчи ва қўриқлов мосламалари ўрнатилди, бу ишларга бюджетдан ажратилган 200.000 минг сўм ва пуллик хизматдан тушган 800.000 минг сўмлик маблағ сарфланди. Сўнги уч йил давомида 2 дона компьютер, 2 дона принтер, 1 дона нусха кўчириш (3/1) аппарати, 1 дона сканер, 1 дона факс, 1 дона рақамли фото аппарат, 1 дона кресло, 2 дона компьютер столи, 8 дона ўқув столи, 33 дона изо-стуллар ва 2 та хонага офисний гарнитур, 2 дона LG русумли қиш-ёз типидagi кондинционерлар сотиб олинди. Жиҳоз ва мебелларни сотиб олиш учун жами 10.000.000 (ўн миллион) сўмга яқин маблағ сарфланди. Шундан 7.000.000 сўм бюджетдан берилган бўлса, қолган 3.000.000 сўм пуллик хизмат кўрсатишдан ишлаб топилган маблағлар ҳисобига сотиб олинди.

Бундан ташқари идора ички ва ташқи томонларидаги панолар, пештахталар, стендлар ва шунга ўхшаш жиҳозлар алмаштирилди, яъни янги

замонавий дизайн асосида бадиий безаклар баннерлар тайёрланиб ўрнатилди. 2013 йил мобайнида Архив биносини жорий ва капитал таъмирлаш (реконструкция) қилишга 4.5 млн сўмлик ишлар бажарилди. Эски учта хона бузилиб, потолоклари пластик, эшиги темир панжарали АКФА русумли замонавий жиҳоздаги ҳужжатхона қуриб битказилди, электр симлари махсус химояланган 9 та плафонли электр ёриткичлар қўйилди.

Металл жавонлар ўрнатишга 5.0 млн сўм сарфланди, 315 п/метрдан иборат металл жавонлар ўрнатилди.

Техника жиҳозлари сотиб олиш учун 2.5 млн сўм сарфланди. Янги замонавий SAMSUNG - русумли компьютер, MF 4410 принтерлар сотиб олинди. 2013 йилда Шеробод туман давлат архивида 136 та фондда 50078 сақлов бирлигидаги ҳужжат мавжуд бўлиб, шундан 44090 сақлов бирлигидаги бошқарув ҳужжатлари, 440 сақлов бирлигида шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари ҳамда 5548 дона сурат ҳужжатлар мавжуд.

Шеробод туман давлат архивида 2009-2013 йилнинг шу давригача ўта қимматли ҳужжатларнинг 15056 варақ электрон шакли яратилган. Шунингдек, янги замонавий ўт ўчириш ва ёнғинга қарши курашиш воситалари сотиб олинди. Ностандарт, қинғир-қийшиқ тайёрланган жавонлар “Давлат архивларининг асосий иш қоидалари”нинг III боб 135-моддаси талаблари асосида қайта реконструкция қилиниб стандартлаштирилди. Бу ишлар пуллик хизмат кўрсатиш эвазига топилган маблағ ҳисобига амалга оширилди. Бундан ташқари ҳужжатхоналардаги барча доимий сақланадиган йиғма жилдлар 100% картон қутиларга жойлаштирилди. Ушбу ишлар архивда йиғилган 5 тоннага яқин макулатура билан айирбошлаш эвазига Тошкент шаҳридан келтирилган 3000 (уч минг) дона картон қутилар ҳисобига бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати Мажлисининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида архив ишининг аҳволи ва уни такомиллаштириш масалалари тўғрисида” ги 2009 йил 23 ноябрдаги №-53 сонли баёни ижросини таъминлаш борасида сўз юритар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шеробод туман давлат архивида ишлар бир мунча яхши йўлга қўйилган бўлиб, архив ҳужжатлари сақловини таъминлаш борасида муайян чоралар кўрилмоқда. Алоҳида архив ишини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги ва архив ҳужжатларини сақлов шароитларини яхшилаш, сақловларни тегишли ускуна ва воситалар билан шу

жумладан, метал жавонлар, ёнфинга қарши воситалар, микроиклимни яратиш қурилмалари, кўриқлаш сигнализациялари ўрнатилган бўлиб ишлар эса, идоравий архив туғрисидаги низом, йиғмажилдлар номенклатураси, архив ишига оид меъёрий ҳужжатлар асосида юритиб борилмоқда.

Шеробод туман давлат архиви томонидан тумандаги ташкилотлар, корхоналар, ҳамда муассасаларнинг идоравий архивларида ҳужжатларнинг сақланиш даражаси, архив иши ва иш юритишнинг аҳволи белгиланган режа асосида йил давомида мунтазам ўрганилиб, иш юритиш йўриқномалари, идоравий архивлар туғрисидаги низом, эксперт комиссиялари ҳақида низомлар ишлаб чиқилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар ва бир қатор амалий ёрдамлар бериб борилмоқда. Юқоридагиларнинг амалий натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги томонидан 2009 йилда республика архив муассасалари ўртасида ўтказилган кўрик танловда “Энг намунали архив муассасаси” номинацияси бўйича иштирок этиб фахрли II-ўринни эгаллаб ва II-даражали диплом билан тақдирланганлиги меҳнат жамоамизда аҳиллик, тотувлик, баҳамжихатлик ҳамда соғлом муҳит яратилганлигининг нишонасидир.

“Архив ишини ривожлантириш” нинг туманимиз миқёсида келгусида амалга оширилиши назарда тутилган истикболли режаларининг бажарилиши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳозирги вақтда уларнинг ижросини таъминлаш меҳнат жамоамизнинг муқаддас ва шарафли вазифалари қаторидан ўрин олган. Улар қуйидагилардан иборат.

Ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш ва етук мутахассис кадрлар тайёрлаш учун малака ошириш курсларига жалб қилиш ҳамда амалий билимларини мустаҳкамлаш борасида устоз шогирд анъаналарини йўлга қўйиш, жамлаш манбалари бўлган миждозлар билан ишлашни янада яхшилаш, иш юритиш ва архив ишига оид қўлланмалар билан таъминлаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш, архивнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича ишларни давом эттириш, бинони таъмирлаш, атроф –муҳитни ободонлаштириш, ташкилотнинг нифузини, салоҳиятини ошириш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириш, миждозларга, корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек фуқароларга намунали хизматлар кўрсатиш борасида корхонамизнинг саховатпеша, хожатбарор ташкилот сифатида шаклланиб бориши учун ҳаракат қилиш пуллик хизмат кўрсатиш спектрини кенгайтириш, қўшимча хизмат турларини жорий қилиш борасида изланишлар олиб бориш, пуллик хизмат

кўрсатиш эвазига мумкин қадар кўпроқ маблағ ишлаб топиш, ушбу маблағлар ҳисобидан ходимларни рағбатлантириб бориш, уларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, кам таъминланган ночор оилаларга ёрдам бериш, хайрия ва эҳсонлар қилиш каби савобли ишлар қилишдан иборат.

Шеробод қадим даврдан бошлаб ўзининг маданияти ва санъати билан дунёга танилиб, машҳур рассомлари, ҳайкалторошлар билан шуҳрат қозонган. Шеробод ўзининг машҳур фарзандлари билан фахирланади, уларни авайлаб асрайди, шон-шуҳратга улуғлайди. Ватанни ўз ифтихори деб билган таниқли рассом, моҳир ҳайкалтарош Чоршанби Маматқулов юртни эъзозлаш, уни фарзандлар мардлигини, жасоратини ўз асарларида тарранум қилишдек вазифани юрагига ифтихор деб билган инсондир. У устози Рўзи Чориев ижодидан таъсирланиб ҳамда иккинчи жаҳон урушидан бир оёғидан айрилиб, қўлтиқтаёқда қайтган аскар унга “Расм чизасан” деб рангли қаламлар совға қилган хайрли илтижоси туфайли халқ рассомига айланди. Рассомнинг “Талабалик – олтин даврим”, “Ёшлар ҳаёти”, “Хўжайкон бунёдкорлари”, “Кончилар ҳаёти”, “Табиатни асранг!”,”Алпомишнинг туғилиши”, “Алпомишнинг қайтиши” асарлари маданиятимизнинг ёрқин саҳифаларидан ижобий ўрин олди. Таниқли Халқ амалий санъати намояндаси, Ўзбекистон Халқ устаси, Ўзбекистон Бадиий академиси ва “Хунармандлар” уюшмаси аъзоси кулол-рассом Асроров Қудрат 1953 йилда туғилган, миллати ўзбек. Асроров Қудрат меҳнат фаолиятини 1970 йилда тумандаги 1-Қурилиш –таъмирлаш ташкилотида оддий ишчи вазифасида иш бошлаб, 1979 йилдан 1996 йилгача тумандаги “Кулол” хиссадорлик жамиятида кулол-рассом бўлиб ишлади. 1996-2000 йилгача “Нақшбанд” фирмасида, 2000-2007 йилларда яна тумандаги “Кулол” хиссадорлик жамиятида кулол-рассом бўлиб фаолият кўрсатиб, 2013 йилда нафақага чиқди. Республика Бадиий академиясининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Асроров Қудрат 1997 йилдан Ўзбекистон Хунармандлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиси Ижодкорлар Уюшмасининг аъзоси, Республика “Ташаббус-1997, 1998, 2000” танлови **лавруеати**, Сурхондарё вилояти “Ташаббус -98” танлови ғолиби. Таниқли рассом 100 дан ортиқ амалий санъат асарлари муаллифи. Амалий санъат бўйича таниқли инсон Асроров Қудратнинг машҳур ишлари Тошкент, Москва шаҳарларида, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Германия, Англия каби мамлакатлардаги кўرғазмаларда фаол иштирок этди. Ватанпарвар, инсонпарвар, халқнинг фидоий инсони бўлган рассомнинг асосий мавзуси “Она ватан”, “Оила”, “Мустақиллик”, “Ўтмиш ва келajak”, “Орол муаммоси”, “Экология”, “Наврўз”, шунингдек, Исо ат- Термизий, Имом ал

Бухорий, Алпомиш, Барчиной каби мавузларни ёритишга бағишланмоқда. Амалий санъат ривожига қўшган ҳиссаси, шогирдлар тайёрлашдаги бекиёс хизматлари, ташкилотчилиги, тадбиркорлиги каби хизматларни ҳисобга олиб 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Асроров Қудратга “Ўзбекистон Халқ Устаси” унвони берилди. Унинг шиори “Элим деб, юртим деб яшаш керак ва хизмат қилиш керак” деган ҳикмат бўлиб, ўзининг ҳалол, меҳнатсевар, интизомга қаътий амал қилиши ва талабчанлиги билан халқимиз ҳурматиغا сазавор бўлди.

Ватанни севган, ардоқлаган ҳар бир инсон ўтиш маданиятни авайлаб асраш, уни келгуси авлодларга етказиш масаласида ўз фарзандларга тўғри йўл кўрсатиш, меҳнатсевар ҳамда касбга муҳаббат руҳида тарбиялашни ўзига инсоний бурч деб билади. Асроров Қудрат ўзининг машаққатли касбни фарзандларга ўргатиш, амалий санъат сирларни эгаллаб олишга бевосита раҳномалик қилди. Ўғли Ўткирга ёшлигидан амалий санъатга бўлган эҳтиросни, қизиқишни ўйғотиб, бу касб ўлмас, ҳар бир инсонинг ички дунёсини очиб берадиган касб эканлигига ишонтирди. Ота изидан борган Ўткир Қудратов 1984 йил 15 октябрда туғилиб, 2001 йил мактабни аъло баҳоларда тугатиб, бадиий кулолчилик сирларни ўрганишга жиддий киришди. Унинг илк ижодидан ўрин олган “Бахши”, ”Чеча”, “Чоллар гурнги”, “Рақс”, ”Туйга гурунг”, “Айтишув” каби асарлари билан республиканинг таниқли амалий санъат устозларнинг назарига тушди. Ёш ижодкор Ўткир Қудратов Термиз шаҳрининг 2500-йиллиги муносабати билан ўзининг илк мустақил ишлар билан иштирок этди. Республика миқёсидаги “Заковат” ва Халқаро кураш федерацияси учун совғабоп амалий санъат асарларни яратиб, кенг жамоатчилик назарига тушди. Амалий санъат бўйича ўтказиган “Иқтидорли болалар”, ХХІ аср мусаввири” курик танловларда фаол иштирок этиб, катта ҳурматга сазовар бўлиб, хизматлари алоҳида тақдирланди. 2006 йилда К.Бекзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн санъати институтининг ҳайкалтарошлик бўлимга ўқишга кириб, устозлари Ўзбекистон Халқ рассоми ва санъат арбоби профеессор Илҳом Жабборов ва Камол Жабборов ва Улуғбек Қриязив раҳбарлигида амалий санъат сир- асрорларни мукаммал ўрганиб, етук касб эгасига айланди. Талабалик йилларида 2008 йилда Хўжаев номидаги дизайн коллежи олдида “Илҳом парилари” ижодий иши, Бенков номидаги дизайн ва рассомлик коллежи олдида “Дарё” номли амалий санъат иши қуйилиб, устозларнинг алоҳида ҳурматиغا сазовар бўлди. 2010 йил ўқишни битириб Ўзбекистон Халқ Рассоми Академик Илҳом Жабборов билан бирга ўз ижодни давом эттирмоқда. Шерободнинг амалий санъатнинг ўтмиш издошлари бўлган

Асроровлар халқимизнинг асрлароша яшайдиган ўлмас фахрига айланиб, уларнинг ижодида ватанга ҳурмат, меҳр-садақот ғоялари мужассамдир.

Ёш ижодкор ҳайкалтарош Жўраева Нодира Ашуралиеовна 1991 йил 21 декабрда Шеробод тумани Боботепа қишлоғида туғилиб, 37-сон умумий таълим мактабини тугатиб, 2006-2009 йилларда Шеробод педагогика ва иқтисодиёт коллежини инглиз тили бўлимини тугатди. Унинг ижоди мустақиллик туфайли юзага чиқиб, устози Турсунтош Турсунова раҳбарлигида амалий санъат сирларни ўрганиб, 37-сон мактабда алоҳида амалий санъат тўғрагини ташкил қилди. Боботепа қишлоғининг қадимги тарихий обидалари, унинг асорий атиқалари ҳамда топилган археологик топилмаларни шакл ва мазмунига эътибор бериб ўзининг дастлабки ҳайкаллари яратди. Н.Жўраеванинг “Она қалби”, “Донишманд”, “Қишлоқ болалари”, “Табиат маъбудаси” каби ижодлари устозлар назарига тушиб, катта ҳурматга сазавор бўлди. Миллий каштачилик соҳасидаги ишлари, миллий кийимларни тиклаш ва унга ижодий янгилаш тасвирларини тушириш, ёшларига миллий анъаналарга хос каштачилик сирларни ўргатиш масаласида ўзи ҳам устозга айланди.

Мустақиллик туфайли Шеробод туманида маданий ва маънавий ҳаёт янада юксалиб, халқ таълими соҳасида катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, замонавий мактабгача таълим муассасалари, жаҳон андозаларга мос умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари қуриб ишга тушурилиб, ёш баркамол авлод ҳамда келажак ёшлар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилиб берилди. Туман ўзининг фидоий педагоглари, маданият ва санъат ходимлари билан фахрланиб, уларнинг шижоатли, шарафли меҳнатлари Ўзбекистон моддий ва маънавий ҳамда номоддий маданияти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1. -Т.: “Ўзбекистон,” 1996. 36-86 б.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. –Т.:“Ўзбекистон,” 1996. 175-366 б.
- 3.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.7. -Т.:“Ўзбекистон,” 1998. 132-154 б.
- 4.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.:“Ўзбекистон,”2000.79 бет.(Алпомиш достони»нинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Т.8. – Т.:“Ўзбекистон,” 2000. 78-82 б.)
- 5.Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Т.10.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002. -.307-315 б.
- 6.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. - Т.: “Ўзбекистон”, 2006. -274 б.
- 7.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2010.- 173 б.
- 8.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари.Т.17. –Т.: “Ўзбекистон,” 2009. 227-233 б.
- 9.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, - Т.:“Ўзбекистон,” 2011. 439 б.
- 10.Каримов.И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир –Т.:“Ўзбекистон,” 2015. 302 бет.

## Адабиётлар

1. Авлиёкулов Қ, Эргашев Р, Исмоилов Й. Сурхон юлдузлари. -Т.1995. “А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти.”
- 2.Амонова Феруза. Бухоро-Россия иқтисодий алоқалари тарихига бир назар (XIX аср охири-XX асрнинг биринчи чораги). -Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси,” 2011, 63 б.
- 3.Амонова Феруза. Бухоро амирлиги иқтисодиётига тарихий назар. -Т.: “YANGI NASHR.” 2013. 109 бет.
4. Асқаров Аҳмадали. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. -Т.,“O’ZBEKISTON,” 2015 667 бет.
5. Ананаёев А.Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш лойиҳаси. -Т., «Шарқ», 2002 , 24 б.
- 6.Аширов Адҳам. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. -Т., «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси», 2007. 271 б.
7. Бартольд В.В.. Туземец о русском завоевании. -Т., 1953. Перепечатано из газеты «Туркестанские ведомости», 1998, №13, 14, 31, 37, 40.
8. Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. -Т., «Нур», 1991, 79 б.
9. Бўриев Очил, Усмонов Муртоз. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. - Самарқанд. 2008. 243 бет.
10. Бўриев С.Д. Сурхоннинг сунъий денгизи. -Т.: “SHARQ.” 2013. 195 бет.
11. Йўлбарсов Жўра. Сайхон достони. –Қарши., “Насаф.” 2014. 80 бет.
12. Зияев Х.З. Ўзбекистонда пахта яккахокимлиги учун кураш (XIX асрнинг охири XX аср бошларида.) -Т., «Ўзбекистон», 1999.
13. Иноятлов С. Бойқулов М, Тўраев Н. Сурхондарё вилояти халқ таълими-юксалишда. -Термиз., 2001.
14. Иркаева Нодира. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари иккинчи жаҳон уруши йилларида. -Т.,”Yangi nashr.” 2015 й. 143 бет.
15. Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. -М., «Наука», 1976.
16. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том-I, - СПб, 1911.

17. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. - СПб, 1912.
18. Маманазаров Чори. Қумқўрғон. - Қарши., "Насаф." 2006. 111 бет.
19. Маев Н.А. Бухоро хонлиги очерклари. -Т.: "Fan va texnologiya." 2012. 178 бет.
20. Мўминова Гавҳар. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917-1991 йиллар). -Т., "Yangi nashr." 2015 й. 334 бет.
21. Мўйинова Ш. Қумқўрғон тарихи. Термиз 1993, 33-бет
22. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. -Т.: "Ўқитувчи." 1988. 288 бет.
23. Низомов А. Ҳисор булоқлари. -Т.: "Меҳнат." 1989. 84 бет.
24. Нор Ҳайит, Тоҳир Усмон. Кураш йиллари. -Т."Меҳнат." 1992. 135 бет.
25. Нормуродов Б. Қумқўрғонлик зиёлилар. -Т., "Фан," 2007 йил. 4,5, 7 ва бошқа бетлар
26. Олломуродов М. Юрагимда йиғлаб турган қиз. – Термиз.: "Жайхун." 1993. 42 б.
27. Орифий Н, Ёриев Б. Элим, юртим деб яшаса одам. – Т.: 2001. 28 б.
28. Орзиев М.З, Эргашев Ж.Ю. Ибтидоий жамоа тарихидан атамалар изоҳли луғати. -Бухоро.: "Дурдона." 2013. 43 бет.
29. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана в советского периода (1917-1932). -Т.: "Фан." 1968. 226 стр.
30. Пулатов Й. Чориев Р. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли "Москва" колхоз тарихи. -Т.; 1977.
31. Прошлое, настоящие и будущее Сурхан-Шерабадской долины. -Т., «Фан», 1976.
32. Прошлое, настоящие и будущее Сурхан-Шерабадской долины. -Т., «Фан», 1976.
33. Раҳимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. -Т., "Фан." 1985. 96 бет.
34. Ражабов Озод. Белида белбоғи бор. -Т.: "Янги аср авлоди." 2005. 90 бет.

35. Ражабов Қаҳрамон. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Т.: "Маънавият." 2002. 141 бет.
36. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. -Т., «Жайхун», 1996, 116 б.
37. Рўзиев А. Н, Мирзаев Ш.П, Бароталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. -Т., «Жайхун», 1997, 113 б.
38. Сафаров Ш, Умаров Э. Айрим топонимлар тарихи. – Қарши.: “Насаф,” 2005. 62 б.
39. Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана). -М., - СПб, 1921.
40. Саидов И.С. Источник повышения жизненного уровня сельского населения Узбекистана на современном этапе. -Т., «Узбекистан», 1978.
41. Сурхондарё вилояти статистик бошқармаси. Сурхондарё вилояти рақамларда 1991-2002 йиллар. Статистик тўплам. Термиз. 2011 .257 бет.
42. Сурхон элида байрам. Ленин байроғи газетаси. 1967 йил. 17 июль.
43. Турсунов С.Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида уринишлар (1946-1965 йиллар): ниятлар ва натижалар. -Т., «ТПИ», 1994, 110 б.
44. Турсунов С.Н. ва бошқалар «Сурхондарё тарих кўзгусида» -Т., «Шарқ», 2001, 382 б.
45. Турсунов С.Н. ва бошқалар «Сурхондарё тарихи » -Т., «Шарқ», 2004, 605 б.
46. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи ва маданияти - Сурхондарё этнографияси. Т., «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси», 2006, 275 бет.
47. Турсунов С.Н. «Шерободликлар» -Т., «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси», 2007, 385 б.
48. Турсунов С.Н, Тўхтаев А. Жаркўрғон. -Т., “Фан.” 2008.
45. Турсунов С.Н, Пардаев Т.Р, Турсунов А.С, Тоғаева М.Р. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида номоддий маданият тарихи. -Т., “Мухаррир.” 2012 й, 199 бет.
49. Турсунов С.Н, Турсунов А.С, Тоғаева М.Р. Шеробод тарихидан лавҳалар. - Т., “Yangi nashr.” 2014 й, 354 бет.
50. Турсунов С.Н, Эшбоев Қ. Т. Шўрчи тарихидан лавҳалар. “Fan va texnologiya.” 2014. 318 бет.

51. Турсунов С.Н, Пардаев Т.Р, Турсунов Н. Миртазов Б. Ўзбекистонда бахшичилик саънатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. Т., "ТАФАККУР", 2015.303 бет.
52. Турсунов С.Н, Муртазоев Б, Алланов О. Термизий алломалар. -Т., "Yangi nashr." 2015, 229 бет.
53. Турсунов С.Н, Пардаев Т.Р, Бегимқулов О. Ўзбек миллий кураши: тарихи ва анъаналари. (Рангли альбом китоби. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида). - Т., "Yangi nashr." 2015 й, 159 бет.
54. Турсунов С.Н, Пардаев Т.Р, Бегимқулов О. Ўзбек миллий кураши: тарихи ва анъаналари. Ўқув қўлланма.-Т., "Сурхон нашр." 2015 й, 206 бет.
55. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. -Т., "Yangi nashr." 2015 й, 159 бет.
56. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. –Т., «Ўқитувчи», 1991, 111 б.
57. Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX- нач. XX вв. – Т., 1893.
58. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. -Т., «Ўзбекистон», 1958.
59. Халиков И. Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов. -Т., «Фан», 1982, 159 с.
60. Халиков И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине. –Т., «Фан», 1977, 104 с; Орошение и освоение Каршинской степи. -Т., «Фан», 1981; Из истории развития орошения и поливного земледелия Узбекистана. -Казань., 1974.
61. Хожа самандар Термизий. Дастур ул-мулук, -Т., 2004. 23-бет].
62. Холмуродов Нормурод. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. –Термиз., «Жайхун», 1998, 77 б.
63. Холмуродов Нормурод. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. -Тошкент, «Chinor ENK», 1998, 77 б.
64. Холмуродов Нормурод. Пахтачилик сеvimли соҳам. -Тошкент.: “Янги аср авлоди.” 2012. 259 бет.
65. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: 2001. 48 б.

66. Холмўминов Хусан. Ўзбекистон жанубий вилоятларида тарихий-демографик жараёнлар. -Т.: "Янги аср авлоди." 2011. 134 бет.
67. Холлиев Х. Сув келтирган азиз. -Т., «Ўзбекистон», 1981, 76 б.
68. Хошимов Н. Қўй ва эчки парваришlash. Фермерлар учун оммабоп қўлланма. – Т., "LIDER-PRESS." 2009 й.
69. Шониёзов.К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.Т., «Шарқ.» 2001 й. 461 бет.
70. Шотўраев Т, Баротов П. Ўрта Осиёнинг сунбий қўллари. -Т., «Фан», 1972 й, 46 бет.
71. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. (Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида.) -Т., «Шарқ», 2000.
72. Ўзбекистоннинг янги тарихи II-китоб. (Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида) -Т., «Шарқ», 2000.
73. Ўзбекистоннинг янги тарихи. III-китоб. (Мустақил Ўзбекистон тарихи). -Т., «Шарқ», 2000.
74. Ўзбек Совет Энциклопедияси. -Т., «Қомуслар бош таҳририяти», 1997.
75. Қадимда боғлар қандай яратилган. -Т.: "Фан." 2006. 80 бет.
76. Қашқадарё. Саройлар, меъморий ёдгорликлар, мажмуалар. Биринчи китоб. –Т., 2012. 133-бет].
77. Қобилов Э. Сурхондарёда суғориш тизими. –Термиз., 2000, Илмий тўплам.
78. Қодиров. А. Ўзбекистон ирригацияси тарихидан лавҳалар. -Т, 1998, «А.Қодирий номидаги Халқ мероси», 141 б.
79. Қориев М. Ўзбекистон сув омборлари -Т., «Ўзбекистон», 1969 , 84 б.
80. Ҳақберди Норбоев. Сурхон полвонлари. –Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2010 йил. 55-58 б.